

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

45-сон
(389)
2009 йил
9 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

479. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 октябрдаги ПҚ–1217-сон қарори
480. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 2 ноябрдаги ПҚ–1219-сон қарори
481. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 4 ноябрдаги ПҚ–1220-сон қарори

Учинчи бўлим

482. «Ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэропортлари (аэродромлари)ни очиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 октябрдаги 289-сон қарори

Бешинчи бўлим

484. «Илмий ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2009 йил 29 сентябрдаги 12, 97, 60-ҚҚ-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2029*)
485. «Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғининг 2009 йил 13 октябрдаги 34-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2030*)
486. «Кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғининг 2009 йил 13 октябрдаги 35-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2031*)
487. «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 17 октябрдаги 29/4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-2*)
488. «Тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган ҳужжатларнинг сақланиш муддатлари рўйхатини қўллаш бўйича кўрсатмага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 17 октябрдаги 29/5-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 951-2*)
489. «Ўзбекистон Республикаси банкларидаги депозитлар тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 17 октябрдаги 29/6-сонли қарори.

(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 534-1)

490. «Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 10-8/4270, 33-09-сонли қарори. *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2032)*
491. «Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 2009-43, 38-сонли қарори. *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2033)*
492. «Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғининг 2009 йил 13 октябрдаги 36-сонли буйруғи. *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2034)*
493. «Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 102, 42-сонли қарори. *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2035)*
494. «Суғурталовчилар ва суғурта воситачилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш

тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бош прокуратура хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 104, 41-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2036*)

495. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бош прокуратура хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 103, 40-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 5 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2037*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 31 октябрдан 6 ноябргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ****479 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Мальта Ҳукумати ўрта-сида 2009 йил 2 июль куни Лондон шаҳри (Буюк Британия)да имзоланган уюшган жиноятчиликка, контрабанда ва наркотик воситаларнинг ноқонуний айланишига, психотроп моддалар ҳамда прекурсорларга қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидалари бажарилгани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 30 октябрь,
ПҚ-1217-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**480** Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида 2009 йил 27 март куни Боку шаҳрида имзоланган ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидалари бажарилгани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М.И. Атаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 2 ноябрь,
ПҚ-1219-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**481** Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

1. Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси ўртасида 1997 йил 15 январда тузилган Шартномага ўзгартишлар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси ўртасида 2009 йил 24 август куни Тошкент шаҳрида имзоланган Протокол тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Рес-

публикаси томонидан мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидалари бажарилгани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 4 ноябрь,
ПҚ-1220-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

482 Ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэропортлари (аэродромлари)ни очиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 77-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэропортлари (аэродромлари)ни очиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Хўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 29 октябрь,
289-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 29 октябрдаги 289-сон қарорига
ИЛОВА

Ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэропортлари (аэродромлари)ни очиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига мувофиқ ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэропортлари (аэродромлари)ни очиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

аэропорт — ҳаво кемаларини қабул қилиш ва жўнатиш, ҳаво кемаларидаги ташувларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган ҳамда ушбу мақсадлар учун аэродром, аэровокзал, бошқа иншоотлар, шунингдек зарур асбоб-ускуналарга эга бўлган иншоотлар комплекси;

аэродром — ер ёки сув юзасидаги махсус жиҳозланган участка, ушбу юзада жойлашган ҳаво кемаларининг келиши, уларни жўнатиш ва ҳаракатланиши учун тўлиқ ёки қисман мўлжалланган бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналар;

аэропорт (аэродром)дан фойдаланувчи — ижара шартномаси ёки Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар бўйича мулкчилик ҳуқуқида мазкур аэропорт Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ўзига тегишли бўлган Ўзбекистон Республикасининг, шунингдек бошқа давлатнинг аэродромнинг мувофиқлик сертификатига эга бўлган юридик шахси ёки фуқароси.

3. Халқаро парвозлар учун фуқаро авиацияси аэропортлари (аэродромлари)ни очиш Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда «Дававианазорат» инспекцияси деб аталади) таклифи асосида қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг халқаро парвозлар учун аэропорт (аэродром) очиш тўғрисидаги қарори аэропортга (аэродромга) «халқаро» мақоми берилишини англатади.

II. Халқаро парвозлар учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэропорти (аэродроми)ни очиш тартиби

5. Аэропорт (аэродром)дан фойдаланувчи ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари учун аэропорт (аэродром) очиш юзасидан «Дававианазорат» инспекциясига буюртманомга беради.

Буюртманомга қуйидагилар илова қилинади:

1) аэропортлар учун:

аэропортнинг тузилмаси;

аэропортдаги хизматлар тўғрисидаги низомлар нусхалари;

аэропортнинг штат жадвали ва унинг ходимлар билан таъминланганлиги;

аэродромнинг мувофиқлик сертификати нусхаси;

аэродромнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида «Дававианазорат» инспекцияси томонидан берилган гувоҳнома нусхаси;

чегара, божхона, иммиграция, санитария, карантин ва ветеринария назоратини амалга ошириш учун тегишли хизматларни, шунингдек рўйхатдан ўтказиш залларини (жойларини), авиачипталар сотиш кассаларини, маълумотлар бюросини, юк сақлаш камераларини, она ва бола хоналарини, дўконлар (киоскалар)ни, валюталар алмаштириш пунктларини, дорихонани, тиб-

биёт пунктларини, почта ва телеграф алоқаси, халқаро ва шаҳарлараро алоқа хизматларини жойлаштириш режаси;

2) аэродромлар учун:

аэродромнинг тузилмаси;

аэродромдаги хизматлар тўғрисидаги низомлар нусхалари;

аэродромнинг штат жадвали ва унинг ходимлар билан таъминланганлиги;

аэродромнинг мувофиқлик сертификати нусхаси;

аэродромнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида «Дававианазорат» инспекцияси томонидан берилган гувоҳнома нусхаси;

чегара, божхона, иммиграция, санитария, карантин ва ветеринария назоратини амалга ошириш учун тегишли хизматларни жойлаштириш режаси.

6. Буюртманома у «Дававианазорат» инспекциясида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб бир ой мобайнида кўриб чиқилади. «Дававианазорат» инспекцияси мазкур ой мобайнида аризага буюртманома қабул қилинганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабар беради.

7. Халқаро парвозлар учун очиш юзасидан аризада кўрсатилган фуқаро авиацияси аэропорти қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тегишли бўлинмаларининг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитларнинг мавжудлиги;

халқаро ҳаво ташувларига хизмат кўрсатиш учун тайёргарликка эга бўлган аэропорт ходимларининг мавжудлиги;

халқаро юк ташувларини амалга ошириш учун юк комплексининг мавжудлиги:

халқаро йўловчилар ташувларини амалга ошириш учун рўйхатдан ўтказиш заллари (жойлари), авиачипталар сотиш кассалари, маълумотлар бюроси, юк сақлаш камералари, она ва бола хоналари, дўконлар (киоскалар), валюта алмаштириш пунктлари, дорихоналар, тиббиёт пунктлари, почта ва телеграф алоқаси, халқаро ва шаҳарлараро алоқа хизматларининг мавжудлиги.

8. Халқаро парвозлар учун очиш юзасидан аризада кўрсатилган фуқаро авиацияси аэродроми қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тегишли бўлинмаларининг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитларнинг мавжудлиги;

халқаро юк ташувларига хизмат кўрсатиш учун тайёргарликка эга бўлган аэродром ходимларининг мавжудлиги;

халқаро юк ташувларини амалга ошириш учун юк комплексининг мавжудлиги.

9. Тақдим этилган ҳужжатлар асосида «Дававианазорат» инспекцияси аэропорт (аэродром)ни текшириб кўради ва тегишли далолатнома тузади.

Ўтказилган текширишлар натижаларига кўра аэропорт ушбу Низомнинг 7-банди талабларига ва аэродром 8-банди талабларига мувофиқ бўлган тақдирда «Дававианазорат» инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг халқаро парвозлар учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэропорти (аэродроми)ни очиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини тайёрлайди.

10. Аэропорт (аэродром) халқаро парвозларни бажариш учун ҳаво кемаларини қабул қилиш ва чиқаришни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилингандан кейин амалга оширади.

11. Аэропорт ушбу Низомнинг 7-банди талабларига, аэродром эса 8-банди талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда «Дававианазорат» инспекцияси аризаچига, аниқланган барча номувофиқликларни кўрсатган ҳолда, асосланган рад этиш хабарини юборади. Номувофиқликлар бартараф этилгандан кейин аэропорт (аэродром)дан фойдаланувчи буюртманомани такроран беришга ҳақлидир.

III. Яқуний қоидалар

12. «Халқаро» мақомини олган аэропорт (аэродром)дан фойдаланувчи аэропорт (аэродром)нинг ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

13. Аэропорт (аэродром)дан фойдаланувчи томонидан ушбу Низом талабларининг бажарилиши юзасидан назоратни «Дававианазорат» инспекцияси амалга оширади, у қуйидаги ваколатларга эга:

аэропорт (аэродром)ларни улардан фойдаланиш жараёнида белгиланган тартибда текшириш;

белгиланган талабларга номувофиқликлар аниқланган тақдирда аэропорт (аэродром)дан фойдаланувчига уларни бартараф этиш муддатларини кўрсатган ҳолда топшириқнома юбориш;

қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишлари аниқланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига халқаро парвозлар учун аэропорт (аэродром)ни ёпиш тўғрисида таклифлар киритиш.

14. Халқаро парвозларни бажариш учун аэропорт (аэродром)ни ёпиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**484 Илмий ходимларни моддий рағбатлантириш жам-
фармасини шакллантириш ва унинг маблағларидан
фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
хақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2029*

(2009 йил 12 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сонли «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 34-сон, 370-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Молия вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Илмий ходимларни моддий рағбатлантириш жамфармасини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Фан ва технологияларни
ривожлантиришни мувофиқлаштириш
қўмитаси ижро аппарати раҳбари**

М. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 29 сентябрь,
12-сон

Молия вазири**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 29 сентябрь,
97-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.****А. ХАИТОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 29 сентябрь,
60-ҚҚ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Фан ва технологияларни ривожлантиришни
мувофиқлаштириш кўмитаси, Молия вазир-
лиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирлигининг 2009 йил
29 сентябрдаги 12, 97, 60-ҚҚ-сонли қарорига
ИЛОВА

**Илмий ходимларни моддий рағбатлантириш
жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларидан
фойдаланиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сонли «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 34-сон, 370-модда) мувофиқ, илмий ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармаси (бундан кейинги ўринларда жамғарма деб юритилади) маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартибини белгилайди.

І. Умумий қоидалар

1. Жамғарма фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновация ишлари илмий-техник дастурлари лойиҳаларини бюджет маблағлари ҳисобига амалга ошириш учун календарь йилда молиялаштиришга эришган илмий-тадқиқот, таълим муассасалари ҳамда илмий-техник дастурларни бажарувчи — ташкилотларда (бундан кейинги ўринларда — бажарувчи-ташкилотлар деб юритилади) ташкил қилинади.

2. Жамғарма маблағлари илмий-техник дастурлар бўйича лойиҳаларни амалга оширишга аниқ меҳнат ва илмий хиссасини қўшган алоҳида фарқ-

ланган илмий ходимларни уларга бир марталик мукофот белгилаш йўли билан моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

3. Жамғарма маблағлари ҳисобидан тайинланган бир марталик мукофотларнинг суммаси уларга қонунчилик томонидан ўрнатилган тартибда ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш йўли билан бажарувчи-ташкилотларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш умумий фондига киритилади.

Жисмоний шахсларнинг жамғарма маблағлари ҳисобидан олган даромадларини солиққа тортиш ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

II. Жамғармани шакллантириш тартиби

4. Фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновация ишларининг илмий-техник дастурларини амалга оширишда қатнашувчи бажарувчи-ташкилотлар учун календарь йилда кўзда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг 5 фоизи миқдоридagi бюджет маблағлари Жамғарма маблағларини шакллантириш манбаалари ҳисобланади. Шу билан бирга фақат илмий-техник дастурларни амалга ошириш учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳисобидан шакллантириладиган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳисобга олинади.

III. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартиби

5. Ходимларга бир марталик мукофотларни тайинлаш ва тўлаш йиллик иш натижалари бўйича, одатда жорий йилнинг декабрь ойида амалга оширилади.

6. Бир марталик мукофотларни тайинлаш ва тўлаш календарь йил учун Жамғармада кўзда тутилган маблағлар чегарасида амалга оширилади.

7. Ҳисобот йилининг охириги иш куни якунида фойдаланилмаган жамғарма маблағлари Республика бюджетига қайтарилиши шарт.

IV. Мукофотларни белгилаш тартиби ва кўрсаткичлари

8. Илмий ходимларга бир марталик мукофотлар тўлаш тўғрисидаги қарор бажарувчи-ташкилот қошидаги илмий кенгаш ёки бунга мутасадди бўлган коллегиял орган (бундан кейинги ўринларда Илмий кенгаш деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

9. Илмий кенгашнинг бир марталик мукофотлар тўлаш тўғрисидаги қарори кенгаш аъзолари йиғилишидаги иштирокчилар сонидан келиб чиқиб, очиқ муҳокама қилиш шароитида оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Агар унинг қабул қилинишида илмий кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган бўлса, қарор кучга эга ҳисобланади.

Илмий кенгашнинг аъзоси ҳисобланадиган илмий ходимни мукофотлаш масаласини кўриб чиқишда у тўғрисидаги қарор ўша ходим овозини ҳисобга олмаган ҳолда қабул қилинади.

Бажарувчи-ташкилотдаги раҳбар ходимларни бир марталик мукофотлаш

агар улар илмий-техник дастурни амалга оширишда илмий ходим сифатида қатнашган бўлсаларгина амалга оширилади.

10. Илмий ходимларга бир марталик мукофот бажарувчи-ташкилотдаги раҳбарнинг буйруғи билан илмий кенгашнинг қарори асосида белгиланади.

11. Илмий ходимларни мукофотлаш учун асосий кўрсаткичлар бўлиб илмий-техник дастурларни ишлаб чиқиш доирасида улар эришган алоҳида натижалар ва уларнинг аниқ кўшган ҳиссасининг даражаси ҳисобланади, шу қаторда:

янги йирик илмий натижаларга эришишда (янги қонуниятлар, эффектлар, ходисаларни кашф қилиш ва бошқалар);

янги салмоқли амалий натижаларга эришишда (янги материаллар, технологиялар, ускуналар, машиналар, қурилмалар ва бошқалар);

юқорида айтилган тадқиқот натижаларини иқтисодиёт тармоғида амалда жорий қилишда;

олинган илмий натижалар халқаро тан олинганида (олинган илмий натижаларнинг тан олингани халқаро нашриётларда чоп этилиши, олинган илмий натижалар бўйича халқаро патентларни олиш).

12. Илмий-техник дастурларни амалга оширишда қатнашадиган бажарувчи-ташкилотлар санаб ўтилган асосий кўрсаткичлар асосида ва ўз фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиқиб у ёки бу кўрсаткичларнинг салмоғини аниқлаш, уларни аниқ деталлаштириш ва миқдорий баҳолашда индивидуал ёндашувга амал қилинишини таъминлайдилар.

V. Илмий ходимларга белгиланадиган мукофотлар миқдорлари

13. Бажарувчи-ташкилотларнинг илмий ходимларини бир марталик мукофотлаш мазкур Низомнинг 11-бандида кўзда тутилган кўрсаткичларга мослигига қараб 2 дан 5 гача базавий лавозим маоши миқдоридида уларга мукофот тўлаш йўли билан амалга оширилади.

14. Илмий ходимга тўланадиган мукофотнинг аниқ миқдори бажарувчи-ташкилотнинг илмий кенгаши қарори билан белгиланади.

VI. Жамғарма маблағларини сарфлаш бўйича жавобгарлик ва назорат

15. Жамғарма ҳисобидан бир марталик мукофотлар тўлашни белгилашнинг объективлиги ва тўғрилиги учун Илмий кенгашлар раислари жавобгар ҳисобланади.

16. Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини текшириш қонунчилик билан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА
ЖИНОЙЎ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

485 Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жи-
ноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаш-
тиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш
бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2030*

(2009 йил 13 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–331-сонли қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Департамент бошлиғи

З. ДЎСАНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 октябрь,
34-сон

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ,
валютага оид жиноятларга ва жиноий
даромадларни легаллаштиришга қарши
курашиш департаменти бошлиғининг
2009 йил 13 октябрдаги 34-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни
легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга
қарши курашиш бўйича ички назорат
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 108-модда; 2003 йил, 1-сон, 8-модда;), «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) қонунларига мувофиқ, лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда (кейинги ўринларда лизинг берувчилар деб юритилади) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланган:

бенефициар мулкдор — пировард натижада мулк ҳуқуқига эга бўлган ёки мижозни ҳақиқий назорат қилувчи жисмоний шахс, ёхуд мижоз томонидан, унинг манфаатлари йўлида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни амалга оширилаётган юридик шахс;

ички назорат — лизинг берувчиларининг махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлаш бўйича фаолияти;

мижозни идентификациялаш — лизинг берувчилар томонидан мижозни лозим даражада текшириш мақсадида, улар топширган ҳужжатлар асосида мижозлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш;

мижоз — лизинг шартномасига биноан лизинг объектини ўз эгаллигига ва фойдаланишига олувчи жисмоний ёки юридик шахс (лизингга олувчи);

мижозни лозим даражада текшириш — мижознинг ва қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текшириш, таъсис ҳужжатлари асосида мулк ва бошқарув тuzилишини ўрганиш орқали бенефициар мулкдорни идентификациялаш,

шунингдек, мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва операцияларни, уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида, доимий асосда ўрганиш;

хабар қилиниши лозим бўлган операциялар — ички назоратни ўтказиш давомида лизинг берувчилар томонидан шубҳали деб топилган содир этилаётган ва тайёрланаётган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар;

шубҳали операция — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, мазкур Қоидаларни амалга оширилишида лизинг берувчида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция;

махсус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти номидан Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бошқармаси (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади);

2. Лизинг берувчилар ички назоратнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга йўналтирилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни самарали аниқлаш ва олдини олиш;

лизинг берувчиларнинг қасддан ёки қасддан бўлмаган жиноий фаолиятга жалб қилинишига йўл қўймаслик;

лизинг берувчилар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига, шунингдек, лизинг фаолиятини амалга оширишда ички ҳужжатларга қатъий риоя қилинишини таъминлаш.

3. Лизинг берувчилар ички назоратнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

қонун ҳужжатлари ва мазкур Қоидаларга мувофиқ мижозларни лозим даражада текшириш чораларини амалга ошириш;

бенефициар мулкдорларни, шунингдек, лизинг фаолиятини амалга оширишда фойдаланиладиган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк манбаларининг келиб чиқиш манбаларини аниқлаш ва ўрганиш;

мазкур Қоидаларнинг 18-бандида белгиланган мезонлар асосида шубҳали операцияларни аниқлаш;

ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган ва хабар қилиниши лозим бўлган шубҳали операциялар ҳақидаги ахборотлар (ҳужжатлар)ни Департаментга ўз вақтида тақдим этиш;

алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни, бу опе-

рация бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида Департаментни хабардор этиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

лизинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида сақланишини таъминлаш;

лизинг берувчилар раҳбариятини тегишли қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ишончли ахборот ва материаллар билан тезкор ва мунтазам таъминлаб бориш;

шубҳали операцияларнинг амалга оширилганлиги ёки амалга оширишга уринишлар ҳақидаги, шубҳали операцияларни амалга оширган мижозлар билан боғлиқ шахслар (раҳбарлар, таъсисчилар) тўғрисидаги маълумотлар базасини яратиш, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай ахборотни давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро айирбошлаш;

сўровномалар бўйича мижозлар базасидан террорчилик фаолиятини молиялаштириш билан боғлиқ бўлган шахсларни аниқлаш.

II. Ички назорат тизимини ташкил этиш

4. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш учун ички назоратни ташкил этиш мақсадида лизинг берувчилар мазкур Қоидаларга риоя этилиши учун масъул шахс тайинланади (кейинги ўринларда масъул шахс деб юритилади).

Масъул шахс лизинг берувчининг буйруғи билан тайинланади.

5. Лизинг берувчиларнинг ички назорат тизими уларнинг фаолият кўрсатиш хусусиятлари, фаолиятининг асосий йўналишлари, мижозлар ва уларнинг операциялари билан боғлиқ мижозлар базаси ва таваккалчилик даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

6. Лизинг берувчилар ҳар йили январь ойининг 15-санасидан кечиктирмай тайинланган масъул шахс ҳақидаги маълумотни Департаментга тақдим этишлари шарт.

Масъул шахс ўзгарган тақдирда, бу ҳақда, лизинг берувчи уч иш кунни мобайнида Департаментни хабардор қилиши лозим.

7. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида масъул шахс қўйидаги функцияларни бажаради:

мазкур Қоидаларга мувофиқ ички назоратни ва мижозларни лозим даражада текширишни жорий этишни ва амалга оширишни ташкиллаштириши;

лизинг берувчининг фаолиятига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, ички назоратни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва раҳбариятга тасдиқлашга киритади (тасдиқлайди);

мижозларнинг ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялари ва хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги хабарларни Департаментга ўз вақтида юборилишини, шунингдек, Департаментнинг қўшимча ахборот такдим этиш тўғрисидаги сўровларининг бажарилишини таъминлайди;

мазкур Қоидалар ва ички назорат дастурларини амалга ошириш жараёнининг махфийлигини таъминлайди.

8. Масъул шахс ички назоратни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ташкилотининг раҳбарлари ва ходимларидан ички назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган ташкилий-бошқарув, бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

ички назоратни амалга ошириш мақсадида олинган ҳужжатлардан нусха кўчириш, ташкилотнинг электрон маълумотлар базалари, маҳаллий ҳисоблаш тармоқлари ва автоматлаштирилган компьютер тизимларидаги файллар ва бошқа ёзувлардан нусхалар олиш;

хабар қилиниши лозим бўлган операцияларга нисбатан келгусидаги хатти-ҳаракатлар бўйича раҳбариятга таклифлар киритиш (шу жумладан, мижоз ёки операция тўғрисида қўшимча ахборот олиш ёки мавжуд ахборотни текшириш мақсадида ўтказилаётган операцияни тўхтатиш бўйича).

9. Масъул шахс ички назоратни амалга оширишда қуйидагиларга мажбурдир:

ички назоратни амалга ошириш давомида олинган ҳужжатларнинг сақланиши ва қайтарилишини таъминлаш;

мижозларни лозим даражада текширишни амалга ошириш;

бенефициар мулкдорларни идентификациялаш чора-тадбирларини кўриш;

шубҳали операциялар аниқланганда, белгиланган тартибда Департаментга маълумот бериш;

олинган маълумотнинг махфийлигига риоя қилиш;

Масъул шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Лизингга берувчилар Департамент билан келишилган ҳолда масъул шахсни мунтазам равишда ўқитишни ва малакасини оширишни ташкил этади.

III. Мижозларнинг лозим даражада текшируви

11. Лизинг берувчилар:

амалий иш муносабатлари ўрнатилганда;

олиб борилаётган операцияларнинг жинойй фаолиятдан олинган даро-

мадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадларига алоқадор эканлигига ҳар қандай шубҳа юзага келганида;

идентификациялаш учун аввал олинган маълумотларнинг аслийлиги ва ишончлигига шубҳа туғилганда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни кўрадилар.

12. Мижозларни лозим даражада текшириш лизинг фаолияти амалга оширилишининг барча босқичларида олиб борилиши лозим.

Бинефициар мулкдорни аниқлаш мақсадида лизинг берувчи мижоз бошқа мижоз номидан ҳаракат қилаётганлигини аниқлаши керак ва ундан кейин мижоз кимнинг номидан иш кўраётган бўлса, уни идентификациялаш ҳамда шахсини лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўриши шарт.

Мижоз ёки бенефициар мулкдорни идентификациялаш билан бир қаторда уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этиладиган ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда уларнинг операцияларни амалга оширишга бўлган ваколатлари текширилиши шарт.

13. Мижоз — жисмоний шахсни идентификациялаш унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки унга тенглаштирилган ҳужжат) асосида амалга оширилади. Агар жисмоний шахс яқка тартибдаги тадбиркор бўлса, унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ҳам ўрганилиши лозим.

14. Мижоз — юридик шахсни идентификациялашда давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномани, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери, раҳбарлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, таъсис ҳужжатларида кўрсатилган бошқа маълумотларни текширишлари лозим.

Мижоз — юридик шахсни янада батафсилроқ ўрганиш учун:

мижознинг таъсис ҳужжатлари (рўйхатдан ўтказилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан) ва мижознинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларнинг расмийлаштирилишига;

мижознинг бошқарув органларининг тузилиши ва уларнинг ваколатларига;

мижознинг рўйхатдан ўтказилган устав фондининг (капиталининг) миқдорига;

қонун ҳужжатларга мувофиқ бошқа керакли маълумотларга алоҳида эътибор берилиши лозим.

15. Лизинг берувчилар мижоз томонидан тақдим этилаётган ахборотни:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан мижоз ҳақида олинган маълумотлардан фойдаланиш;

мижознинг аввалги лизинг берувчи билан бўлган ўзаро муносабатларини ўрганиш;

мижознинг ишчанлик обрўси тўғрисидаги ахборотни тўплаш;

бошқа эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот манбалари орқали текширишга ҳақлидир.

Мижозларни лозим даражада текшириш учун керак бўлган идентифи-

кация ва бошқа маълумотлар, лизинг берувчилар томонидан камида бир йилда бир марта янгиланиб туриши керак.

16. Юридик ва жисмоний шахсларни идентификациялаш жараёнида лизинг берувчилар бенефициар мулкдорларни идентификациялаш бўйича, шу жумладан, мижоз мол-мулкнинг тузилишини ўрганиш йўли билан асосланган ва зарур чора-тадбирларни қўллаши лозим.

17. Лизинг берувчилар мижозлар томонидан идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, уларга операцияларни амалга оширишда рад жавобини берадилар.

IV. Хабар қилиниши лозим бўлган шубҳали операцияларни аниқлашнинг мезонлари ва тартиби

18. Қуйидаги ҳолларда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция шубҳали деб топилиши мумкин:

мижоз томонидан зарурат туфайли сўралаётган, шу жумладан, ишонч билдирувчи (агар мижоз ишончли вакил сифатида иш юритаётган бўлса) ҳақидаги маълумотларни тақдим этишни сабабсиз рад этилиши;

мижознинг амалга оширилаётган битишувга нисбатан махфийлик масалалари билан ортиқча ташвишланиши;

мижознинг хизмат кўрсатишнинг фойдалироқ шартларига нисбатан эътиборсиз бўлиши, шунингдек, мижоз томонидан айни турдаги хизматлар кўрсатишдаги оддий тўловдан фарқ қиладиган юқори мукофотнинг таклиф қилиниши;

мижознинг операциялари яққол иқтисодий моҳиятга эга бўлмаганлиги, мижознинг таъсис ҳужжатларида ёки давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасида назарда тутилган мақсад ва фаолияти турларига тўғри келмаслиги;

битимга мижоз фаолиятига тўғри келмайдиган қўшимчалар ва ўзгаришлар киритилиши;

операцияни амалга оширишда мижоз қаттиқ туриб олган асосланмаган шошма-шошарлик;

мижоз томонидан аввал келишилган операцияга (битимга) бевосита уни амалга оширилишидан олдин кўпроқ, айниқса, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк ҳаракати йўналишига тааллуқли ўзгартиришлар киритилиши;

мижоз ҳақидаги маълумотнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, кўрсатилган боғланиш маълумотлари, хусусан, почта ва электрон манзили, телефон рақамлари ва электрон канал маълумотлари бўйича мижоз билан алоқа ўрнатиш имкониятининг йўқлиги;

маълумотлар ва ҳужжатлар тақдим этилишини мижоз томонидан асоссиз кечиктирилиши ёки мижоз томонидан текшириб бўлмайдиган маълумотни тақдим этилиши;

мижоз томонидан битим иштирокчилари ҳақида била туриб ёлғон ахборот ва нотўғри маълумотларнинг тақдим этилиши;

операция бажарилган кунда энг кам иш ҳақининг 1000 бараваридан юкори суммада бўлган қайтариладиган шаклдаги лизинг операциялари амалга оширилса;

мулк ёки асбоб-ускуна билан боғлиқ катта миқдордаги лизинг операцияларининг нархлари бозор конъюнктурасидан ўзгача бўлганда ёки бу операциялар бажарилишидан манфаат кўзланса;

лизинг тўловларини асосиз равишда ошиб кетиши;

лизинг олувчилар томонидан лизинг тўловларини тўлиқ ёки қисқа муддат ичида (уч ойдан ошмаган ҳолда) тўланиши ҳамда ушбу пул маблағларининг келиб чиқиш манбалари номаълум бўлганда;

лизинг шартнома шартларидаги мажбуриятлар ҳамда тўловлар, учинчи шахслар томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган бўлса;

агар мижоз ёки операция иштирокчиларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этмайдиган давлатда доимий яшайдиган, турган ёки рўйхатдан ўтказилган бўлса;

амалга ошириш мақсади қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган назорат жараёнларидан бош тортиш дейишга асос бўладиган операциялар ёки битишувларнинг кўп маротаба юритилганлигининг аниқланиши.

19. Операцияни шубҳали деб тан олиш ҳар бир аниқ ҳолатда ушбу Қоидалар билан ўрнатилган шубҳалилик мезонларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган комплекс таҳлил асосида, шунингдек, мижоз шахси, унинг обрўси, амалий иш муносабатларининг хусусияти, битимнинг асослари, мақсадлари, ҳажми ва тури, уни амалга ошириш усули билан ҳамда шубҳали операцияни тўғри аниқлаш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар асосида аниқланадиган таваккалчилик хавфига боғлиқ равишда амалга оширилади.

20. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳар қандай операция, шу операцияларнинг тарафларидан бири:

террорчилик фаолиятда иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятни амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчиликни амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, Департаментга хабар қилиниши лозим.

Бундай ҳолларда лизинг берувчилар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни бу операция бажарилиши лозим бўлган сандан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туришга ва ушбу операция ҳақида уни тўхтатиб қўйилган куннинг ўзида Департаментни хабардор қилишга мажбурдирлар. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни тўхтатиш ҳақида Департаментнинг кўрсатмаси бўлмаганда, кўрсатилган

муддат тугаши билан лизинг берувчи тўхтатилган операцияни амалга оширишга киришади.

21. Мижознинг операцияси шубҳали деб топилгандан сўнг, масъул шахс мижозга нисбатан келгусидаги хатти-харакатлар ҳақида қарор қабул қилади, жумладан:

шубҳали операция тўғрисида Департаментга хабар бериш ҳақида;

мижоз билан операция ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш ҳақида;

қонун ҳужжатлари ёки у билан тузилган шартномага мувофиқ мижоз билан муносабатларни тўхтатиш ҳақида.

22. Шубҳали операциялар ҳақидаги маълумотлар лизинг берувчилар томонидан Департаментга шубҳали операциялар деб топилган пайтдан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган шаклда берилади.

Шубҳали операцияларга тааллуқли ҳар бир маълумот ҳақида ахборот масъул шахс томонидан қоғоз ва (ёки) электрон кўринишда юритиладиган махсус журналларга киритилади.

23. Лизинг берувчилар тегишли операциядан шубҳани тасдиқловчи ёки олиб ташловчи ҳар қандай маълумотни Департаментга кечиктирмай топширишлари зарур.

V. Ички назоратни амалга ошириш натижасида олинган ахборот ва ҳужжатларни расмийлаштириш, сақлаш, махфийлигини таъминлаш

24. Департаментга хабар қилиниши лозим бўлган операциялар бўйича қонун ҳужжатларига ва мазкур Қоидаларга мувофиқ қуйидагилар расмийлаштирилади:

операция тури ва уни амалга оширишнинг асослари;

операцияни амалга ошириш санаси ва суммаси;

операцияни амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахсни идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

операцияни топшириғи бўйича ва номидан амалга оширилаётган жисмоний ёки юридик шахсни идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

ушбу шахс номидан операцияни амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахснинг вакилини (ишончли вакилини) идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар бўйича қабул қилувчи ва унинг вакилини идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар.

25. Лизинг берувчилар пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш маълумотлари ҳамда материалларини қонун ҳужжатларида белгиланган, лекин операция амалга оширил-

ганидан ёки мижоз билан муносабатлар тўхтатилганидан кейин беш йилдан кам бўлмаган муддатлар мобайнида сақлашлари шарт.

26. Лизинг берувчилар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотдан эркин фойдаланишни чеклайдилар, уни тарқалиб кетмаслигини таъминлайдилар ҳамда бундан манфаатдор бўлган бошқа жисмоний ва юридик шахсларни махсус ваколатли давлат органига тақдим этилган уларнинг операциялари тўғрисидаги хабарларни тақдим этиш ҳақида хабардор қилишга ҳақли эмаслар.

Лизинг берувчилар ички назорат функцияларини амалга ошириш жараёнида олинган ахборотни ўз ходимлари томонидан ошкор қилмасликни (шахсий мақсадлари ёхуд учинчи шахслар манфаатлари учун фойдаланилмаслигини) таъминлайдилар.

VI. Яқунловчи қоидалар

27. Мазкур Қоидалар талабларига лизинг берувчилар томонидан риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат Департамент томонидан амалга оширилади.

28. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолларини яширишда, шунингдек, мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА
ЖИНОЙЎ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

486 Кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2031*

(2009 йил 13 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-331-сонли қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Департамент бошлиғи

З. ДЎСАНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 октябрь,
35-сон

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси ҳузурдаги Солиқ,
валютага оид жиноятларга ва жиноий
даромадларни легаллаштиришга қарши
курашиш департаменти бошлиғининг
2009 йил 13 октябрдаги 35-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда
хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар учун
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни
легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга
қарши курашиш бўйича ички назорат
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) мувофиқ кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланган:

бенефициар мулкдор — пировард натижада мулк ҳуқуқига эга бўладиган ёки мижозни аниқ назорат қиладиган жисмоний шахс, шу жумладан, унинг манфаатлари йўлида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция амалга оширилаётган юридик шахс;

ички назорат — махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлаш бўйича кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар фаолияти;

мижозни идентификациялаш — мижозни лозим даражада текшириш мақсадида, улар топширган ҳужжатлар асосида кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар томонидан мижозлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш;

бенефициар мулкдорни идентификациялаш — кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар томонидан қонун ҳужжатлари билан белгиланган таъсис ҳужжатлари (устав ва (ёки) таъсис шартномаси, низом) асосида мулк ва бошқарув тузилмасини ўрганиш орқали юридик шахс бўлган мижознинг мулкдори ёки уни назорат қилувчи шахсни аниқлаш;

мижоз — кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда оғзаки ёки ёзма равишда хизмат кўрсатиш шартномасини тузмоқчи бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

мижозни лозим даражада текшириш — мижознинг ва қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текшириш, таъсис ҳужжатлари асосида мулк ва бошқарув тузилишини ўрганиш орқали бенефициар мулкдорни идентификациялаш, мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва операцияларни, уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида, доимий асосда ўрганиш;

хабар қилиниши лозим бўлган операциялар — ички назоратни ўтказиш давомида кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар томонидан шубҳали деб топилган содир этилаётган ва тайёрланаётган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар;

шубҳали операция — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, мазкур Қоидаларда белгиланган мезонлардан келиб чиқиб, кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахсларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция;

махсус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти номидан Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бошқармаси (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади).

2. Кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар ички назоратининг мақсади қуйидагилардан иборат:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга йўналтирилган кўчмас мулк билан боғлиқ операцияларни самарали аниқлаш ва олдини олиш;

кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда иштирок этувчи шахсларнинг қасддан ёки қасддан бўлмаган жиноий фаолиятга жалб қилинишига йўл қўймаслик;

кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳамда кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларни расмийлаштириш ва амалга ошириш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар талабларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш.

3. Кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсат

тувчи ёки иштирок этувчи шахслар ички назоратининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

қонун ҳужжатлари ва мазкур Қоидаларга мувофиқ мижозларни лозим даражада текшириш чораларини амалга ошириш;

бенефициар мулкдорларни, шунингдек, кўчмас мулк олди-сотдиси фаолиятини амалга оширишда фойдаланиладиган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк манбаларининг келиб чиқиш манбаини аниқлаш ва ўрганиш;

мазкур Қоидаларнинг 18-бандида белгиланган мезонлар асосида шубҳали операцияларни аниқлаш;

ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган ва хабар қилиниши лозим бўлган шубҳали операциялар ҳақидаги ахборотлар (ҳужжатлар) ни Департаментга ўз вақтида тақдим этиш;

алоҳида ҳолларда кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни, бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида Департаментни хабардор этиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ фаолият тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида сақланишини таъминлаш;

кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар раҳбариятини тегишли қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ишончли ахборот ва материаллар билан тезкор ва мунтазам таъминлаб бориш;

шубҳали операцияларнинг амалга оширилиши ёки амалга оширишга уринишлар, шубҳали операцияларни амалга оширган мижозлар билан боғлиқ шахслар (раҳбарлар, таъсисчилар) тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай ахборотни давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро айирбошлаш;

сўровномалар бўйича мижозлар базасидан террорчилик фаолиятини молиялаштириш билан боғлиқ бўлган шахсларни аниқлаш.

II. Ички назорат тизимини ташкил этиш

4. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш учун ички назоратни ташкил этиш мақсадида кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахсларда ушбу Қоидаларга риоя этилиши учун масъул шахс (кейинги ўринларда — масъул шахс) тайинланади.

Агар кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахс фаолиятни индивидуал тарзда (юри-

дик шахс ташкил этмаган ҳолда) амалга оширса, ушбу Қоидаларга риоя этилиши учун жавобгарлик мазкур шахс зиммасига юклатилади.

5. Кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахсларнинг ички назорат тизими уларнинг фаолият кўрсатиш хусусиятлари, фаолиятининг асосий йўналишлари, мижозлар ва уларнинг операциялари билан боғлиқ мижозлар базаси ва таваккалчилик даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

6. Кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар тайинланган масъул шахс ҳақидаги маълумотни Департаментга тақдим этишлари шарт.

Масъул шахс ўзгарган тақдирда, бу ҳақда кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахс уч иш куни мобайнида Департаментни хабардор қилиши лозим.

7. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида масъул шахс қуйидаги вазифаларни бажаради:

мазкур Қоидаларга мувофиқ ички назоратни ва мижозларни лозим даражада текширишни жорий этишни ва амалга оширишни ташкиллаштиради;

кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахснинг фаолиятига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, ички назоратни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва раҳбариятга тасдиқлашга киритади;

мижозларнинг ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялари ва хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги хабарларни Департаментга ўз вақтида юборилишини, шунингдек, Департаментнинг қўшимча ахборот тақдим этиш тўғрисидаги сўровларининг бажарилишини таъминлайди;

мазкур Қоидалар ва ички назорат дастурларини амалга ошириш жараёнининг махфийлигини таъминлайди.

8. Масъул шахс ички назоратни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ташкилотининг раҳбарлари ва ходимларидан ички назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган ташкилий-бошқарув, бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

ички назоратни амалга ошириш мақсадида олинган ҳужжатлардан нусха кўчириш, ташкилотнинг электрон маълумотлар базалари, маҳаллий ҳисоблаш тармоқлари ва автоматлаштирилган компьютер тизимларидаги файллар ва бошқа ёзувлардан нусхалар олиш;

хабар қилиниши лозим бўлган операцияларга нисбатан келгусидаги хатти-ҳаракатлар бўйича раҳбариятга таклифлар киритиш (шу жумладан, мижоз ёки операция тўғрисида қўшимча ахборот олиш ёки мавжуд ахборотни текшириш мақсадида ўтказилаётган операцияни тўхтатиш бўйича).

9. Масъул шахс ички назоратни амалга оширишда қуйидагиларга мажбурдир:

ички назоратни амалга ошириш давомида олинган ҳужжатларнинг сақланиши ва қайтарилишини таъминлаш;

мижозларни лозим даражада текширишни амалга ошириш;

бенефициар мулкдорларни идентификациялаш чора-тадбирларини кўриш;

шубҳали операциялар аниқланганда, белгиланган тартибда Департаментга маълумот бериш;

олинган маълумотнинг махфийлигига риоя қилиш.

Масъул шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

10. Кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар Департамент билан келишилган ҳолда масъул шахсни мунтазам равишда ўқитишни ва малакасини оширишни ташкил этади.

III. Мижозларнинг тегишли текшируви

11. Кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар:

амалий иш муносабатлари ўрнатилганда;

кўчмас мулк олди-сотдиси битимларини амалга ошириш бўйича хизматлар кўрсатилганда;

олиб борилаётган операцияларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадларига алоқадор эканлигига ҳар қандай шубҳа юзага келганида;

идентификациялаш учун аввал олинган маълумотларнинг аслийлиги ва ишончлилигига шубҳа туғилганда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни кўрадилар.

Мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўчмас мулк сотувчиси ва олувчисига нисбатан бирдек амалга оширилиши керак.

12. Мижозларни лозим даражада текшириш, кўчмас мулк олди-сотдиси бўйича операцияларни амалга ошириш пайтидаги барча босқичларида олиб борилиши лозим.

Бинефициар мулкдорни аниқлаш учун кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операциялар иштирок этувчи мижоз бошқа мижоз номидан ҳаракат қилаётганлигини аниқлаши керак ва ундан кейин мижоз кимнинг номидан иш кўраётган бўлса, уни идентификациялаш ҳамда шахсини лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўриши шарт.

Мижоз ёки бенефициар мулкдорни идентификациялаш билан бир қаторда уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этиладиган ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда уларнинг операцияларни амалга оширишга бўлган ваколатлари текширилиши шарт.

13. Мижоз — жисмоний шахсни идентификациялаш унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки унга тенглаштирилган ҳужжат) асосида амалга оширилади. Агар жисмоний шахс якка тартибдаги тадбиркор бўлса,

унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ҳам ўрганилиши лозим.

14. Мижоз — юридик шахсни идентификациялашда давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномани, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери, раҳбарлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, таъсис ҳужжатларида кўрсатилган бошқа маълумотларни текширишлари лозим.

Мижоз — юридик шахсни янада батафсилроқ ўрганиш учун:

мижознинг таъсис ҳужжатлари (рўйхатдан ўтказилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан) ва мижознинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларнинг расмийлаштирилишига;

мижознинг бошқарув органларининг тузилиши ва уларнинг ваколатлари;

мижознинг рўйхатдан ўтказилган устав фондининг (капиталининг) миқдорига;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа керакли маълумотларга алоҳида эътибор берилиши лозим.

15. Кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар мижоз томонидан тақдим этилаётган ахборотни:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан мижоз ҳақида олинган маълумотлардан фойдаланиш;

мижознинг ишчанлик обрўси тўғрисидаги ахборотни тўплаш;

бошқа эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот манбалари орқали текширишга ҳақлидир.

Мижозларни лозим даражада текшириш учун керак бўлган идентификация ва бошқа маълумотлар камида бир йилда бир марта янгиланиб турилиши керак.

16. Юридик ва жисмоний шахсларни идентификациялаш жараёнида бенефициар мулкдорларни идентификациялаш бўйича, шу жумладан, мижоз мол-мулкининг тузилишини ўрганиш йўли билан, асосланган ва зарур чоратадбирлар қўлланиши лозим.

17. Кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар мижозлар томонидан идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, уларга операцияларни амалга оширишда рад жавобини берадилар.

IV. Хабар қилиниши лозим бўлган шубҳали операцияларни аниқлашнинг мезонлари ва тартиби

18. Қуйидаги ҳолларда кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операция шубҳали деб топилиши мумкин:

мижоз томонидан зарурат туфайли сўралаётган, шу жумладан, ишонч билдирувчи (агар мижоз ишончли вакил сифатида иш юритаётган бўлса) ҳақидаги маълумотларни тақдим этишни сабабсиз рад этилиши;

мижознинг амалга ошириладиган битимга нисбатан махфийлик масалалари билан ортиқча ташвишланиши;

мижознинг хизмат кўрсатишнинг фойдалироқ шартларига нисбатан эътиборсиз бўлиши, шунингдек, мижоз томонидан айни турдаги хизматлар кўрсатишдаги оддий тўловдан фарқ қиладиган юқори мукофотнинг таклиф қилиниши;

мижознинг операциялари яққол иқтисодий моҳиятга эга бўлмаганлиги, мижознинг таъсис ҳужжатларида ёки давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасида назарда тутилган мақсад ва фаолияти турларига тўғри келмаслиги;

битимга мижоз фаолиятига тўғри келмайдиган қўшимчалар ва ўзгаришлар киритилиши;

операцияни амалга оширишда мижоз талаби билан қиладиган асосланмаган шошма-шошарлик;

мижоз томонидан аввал келишилган операцияга (битимга) бевосита уни амалга оширилишидан олдин кўпроқ, айниқса, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк ҳаракати йўналишига тааллуқли ўзгартиришлар киритилиши;

мижоз ҳақидаги маълумотнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, кўрсатилган боғланиш маълумотлари, хусусан, почта ва электрон манзили, телефон рақамлари ва электрон канал маълумотлари бўйича мижоз билан алоқа ўрнатиш имкониятининг йўқлиги;

маълумотлар ва ҳужжатлар тақдим этилишини мижоз томонидан асосиз кечиктирилиши ёки мижоз томонидан текшириб бўлмайдиган маълумотни тақдим этилиши;

мижоз томонидан битим иштирокчилари ҳақида биладиган туриб ёлғон ахборот ва нотўғри маълумотларнинг тақдим этилиши;

агар мижоз ёки операция иштирокчиларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этмайдиган давлатда доимий яшайдиган, турган ёки рўйхатдан ўтказилган бўлса;

амалга ошириш мақсади қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган назорат жараёнларидан бош тортиш дейишга асос бўладиган операциялар ёки битимларнинг кўп маротаба юритилганлигининг аниқланиши;

мижознинг олди-сотди шартномасида кўчмас мулкнинг баҳосини ҳақиқий баҳосидан ошириб кўрсатиш хоҳиши;

мижознинг шартнома бўйича бозор амалиётдан ўзгача ва ностандарт ҳамда қийин бўлган тўлов схемаси орқали ҳисоб-китоб қилиш таклифи;

мижоз томонидан қасддан кўчмас мулк объекти учун ҳисоб-китобларни амалга оширишда, биржа(ярмарка)ларнинг ҳисоб-китоб-клиринг палаталарида мавжуд яқка тартибдаги фойдаланувчилар рақамларидаги йиғилиб қолган легитим маблағлардан фойдаланилиши;

давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб, янги ташкил бўлганига 3 ой бўлмаган юридик шахс томонидан операция амалга оширилган кунда

энг кам иш ҳақининг 1000 бараваридан ошиқ бўлган баҳода кўчмас мулк сотиб олинганда;

кўчмас мулк олди-сотдиси шартномасида кўрсатилган олувчи ва сотувчи юридик шахслар бир-бирига ўзаро алоқадор бўлса (таъсисчилари, раҳбарлари, рўйхатдан ўтган манзиллари битта бўлса ва ҳ. к.).

19. Операцияни шубҳали деб тан олиш ҳар бир аниқ ҳолатда ушбу Қоидалар билан ўрнатилган шубҳалилик мезонларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган комплекс таҳлил асосида, шунингдек, мижоз шахси, унинг обрўси, амалий иш муносабатларининг хусусияти, битимнинг асослари, мақсадлари, ҳажми ва тури, уни амалга ошириш усули билан ҳамда шубҳали операцияни тўғри аниқлаш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар асосида аниқланадиган таваккалчилик хавфига боғлиқ равишда амалга оширилади.

20. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳар қандай операция, шу операцияларнинг тарафларидан бири:

террорчилик фаолиятда иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятни амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчиликни амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, Департаментга хабар қилиниши лозим.

Бундай ҳолларда кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туришга ва ушбу операция ҳақида уни тўхтатиб қўйилган куннинг ўзида Департаментни хабардор қилишга мажбурдирлар. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни тўхтатиш ҳақида Департаментнинг кўрсатмаси бўлмаганда, кўрсатилган муддат тугаши билан кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар тўхтатилган операцияни амалга оширишга киришади.

21. Мижознинг операцияси шубҳали деб топилгандан сўнг, масъул шахс мижозга нисбатан келгусидаги хатти-харакатлар ҳақида қарор қабул қилади, жумладан:

шубҳали операция тўғрисида Департаментга хабар бериш ҳақида;

мижоз билан операция ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш ҳақида;

конун ҳужжатлари ёки у билан тузилган шартномага мувофиқ мижоз билан муносабатларни тўхтатиш ҳақида.

22. Шубҳали операциялар ҳақидаги маълумотлар кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар томонидан Департаментга шубҳали операциялар деб топилган пайдан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган шаклда берилади.

Шубҳали операцияларга тааллуқли ҳар бир маълумот ҳақидаги ахборот масъул шахс томонидан қоғоз ва (ёки) электрон кўринишда юритиладиган махсус журналларга киритилади.

23. Кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар тегишли операциядан шубҳани тасдиқловчи ёки олиб ташловчи ҳар қандай маълумотни Департаментга кечиктирмай топширишлари зарур.

**V. Ички назоратни амалга ошириш натижасида
олинган ахборот ва ҳужжатларни расмийлаштириш,
сақлаш, махфийлигини таъминлаш**

24. Департаментга хабар қилиниши лозим бўлган операциялар бўйича қонун ҳужжатларига ва мазкур Қоидаларга мувофиқ қуйидагилар расмийлаштирилади:

операция тури ва уни амалга оширишнинг асослари;

операцияни амалга ошириш санаси ва суммаси;

операцияни амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахсни индентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

операцияни топшириғи бўйича ва номидан амалга оширилаётган жисмоний ёки юридик шахсни индентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

ушбу шахс номидан операцияни амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахснинг вакилини (ишончли вакилини) индентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар бўйича қабул қилувчи ва унинг вакилини индентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар.

25. Кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар кўчмас мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш материалларини ва маълумотларини қонун ҳужжатларида белгиланган, лекин операция амалга оширилганидан ёки мижоз билан муносабатлар тўхтатилганидан кейин беш йилдан кам бўлмаган муддатлар мобайнида сақлашлари шарт.

26. Кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотдан эркин фойдаланишни чеклайдилар, уни тарқалиб кетмаслигини таъминлайдилар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга, уларнинг операциялари ҳақида Департаментга маълумот берилганлиги тўғрисида ахборот беришга ҳақли эмаслар.

Кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар ички назорат функцияларини амалга

ошириш жараёнида олинган ахборотни ўз ходимлари томонидан ошкор қилмасликни (шахсий мақсадлари ёхуд учинчи шахслар манфаатлари учун фойдаланилмаслигини) таъминлайдилар.

VI. Яқунловчи қоидалар

27. Мазкур Қоидалар талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат Департамент томонидан амалга оширилади.

28. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолларини яширишда, шунингдек, мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

487 Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-2*

(2009 йил 13 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 18-сон, 229-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 17 октябрь,
29/4-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2009 йил 17 октябрдаги 29/4-сонли
қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк
ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 8-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мижозлар томонидан ҳисобварақлар очиш учун банкка мазкур Йўриқномада кўзда тутилган ҳужжатлар тақдим қилинган кундан сўнг, банклар икки иш кўни мобайнида, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, уларга ҳисобварақлар очишлари шарт.»;

иккинчи хатбоши «қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақ очиш учун асос бўлган ҳужжатлари, банк ҳисобварағи шартномаси, шунингдек, унга киритилган ўзгартиришлар, таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав) ҳамда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари, иккиламчи ҳисобварақлар очилганлиги тўғрисидаги асосий ҳисобварағини очган банкка юборган хабарнинг нусхаси ҳамда бекор қилинган имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалар мижознинг юридик йиғмажилдида сақланади.».

3. 12-банд қуйидаги таҳрирдаги «д» ва «е» кичик бандлар билан тўлдирилсин:

«д) тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлган резидент юридик шахслар томонидан — таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав) ҳамда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

«е) мижоз номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки уни ўрнини бо-

садиган ҳужжат). Шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асли кўрсатилгандан сўнг, банк томонидан ундан нусха олинади.».

4. 13-банд қуйидаги таҳрирдаги «г» кичик банд билан тўлдирилсин:

«г) тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар томонидан — таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав) ҳамда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари, шунингдек, юридик шахс номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки уни ўрнини босадиган ҳужжат). Шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асли кўрсатилгандан сўнг, банк томонидан ундан нусха олинади.».

5. 14-банд қуйидаги таҳрирдаги «г» ва «д» кичик бандлар билан тўлдирилсин:

«г) ваколатхона ёки филиалга берилган ваколатларни белгиловчи ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

д) ваколатхона ёки филиал номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи (паспорт ёки уни ўрнини босадиган) ҳужжат. Шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асли кўрсатилгандан сўнг, банк томонидан ундан нусха олинади.».

6. 16-банд қуйидаги таҳрирдаги «г» кичик банд билан тўлдирилсин:

«г) норезидент юридик шахс номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки уни ўрнини босадиган ҳужжат). Шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асли кўрсатилгандан сўнг, банк томонидан ундан нусха олинади.».

7. 17-банддаги «шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ва унга тенглаштирилган ҳужжат) тақдим қилинади» деган сўзлар «шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки уни ўрнини босадиган ҳужжат) тақдим қилинади ва банк томонидан ушбу ҳужжатлардан нусха олинади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 23-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. 31-банд қуйидаги таҳрирдаги «в» кичик банд билан тўлдирилсин:

«в) норезидент банк томонидан ва у рўйхатга олинган давлатда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар қўлланилиши тўғрисидаги ахборот.».

10. 39-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав)да кўрсатилган маълумотлар (таъсисчилар, акциядорлар, иштирокчилар ёки бошқа маълумотлар) ўзгарган тақдирда, мижоз таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни нотариал тасдиқланган нусхасини банкка тақдим қилади.».

11. 45-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Асосий ҳисобварақ ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот ахборотлар базасида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда сақланади. Ушбу муддат тугагандан сўнг ўтказилган асосий ҳисобварақ тўғрисидаги маълумот архивланади ва белгиланган тартибда сақланади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

488 Тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган ҳужжатларнинг сақланиш муддатлари рўйхатини қўллаш бўйича кўрсатмага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 951-2*

(2009 йил 13 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) ва «Архивлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 120-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2000 йил 3 июнда тасдиқланган 468-сонли «Тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган ҳужжатларнинг сақланиш муддатлари рўйхатини қўллаш бўйича кўрсатма»га (рўйхат рақами 951, 2000 йил 26 июль) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 17 октябрь,
29/5-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

489 Ўзбекистон Республикаси банкларидаги депозитлар
тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 534-1*

(2009 йил 13 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1997 йил 15 мартда 319-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларидаги депозитлар тўғрисида низомга (рўйхат рақами 534, 1998 йил 16 ноябрь) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 17 октябрь,
29/6-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА
ЖИНОЙИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

490 Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легал-
лаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши ку-
рашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғри-
сида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2032*

(2009 йил 13 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 й., 4-сон, 139-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-331-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 18-сон, 147-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 215-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 19-сон, 220-модда) мувофиқ Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти **қарор қиладилар:**

1. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат

рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш
агентлиги Бош директори**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 октябрь,
10-8/4270-сон

**Бош прокуратура ҳузуридаги
Солиқ, валютага оид жиноятларга
ва жиноий даромадларни
легаллаштиришга қарши курашиш
департаменти бошлиғи**

З. ДЎСАНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 октябрь,
33-09-сон

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш
агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ,
валютага оид жиноятларга ва жиноий даро-
мадларни легаллаштиришга қарши курашиш
департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги
10-8/4270, 3-09-сон қарорига
ИЛОВА

**Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни
легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга
қарши курашиш бўйича ички назорат
ҚОИДАЛАРИ**

Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 43-сон, 451-модда) мувофиқ пул маблағларининг почта ўтказмаларини қабул қилиш ва етказиб бериш (топшириш)да почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

бенефициар мулкдор — пировард натижада мулк ҳуқуқига эга бўлган ёки почта алоқаси хизматларидан фойдаланувчини аниқ назорат қиладиган жисмоний шахс, шу жумладан, унинг манфаатлари йўлида пул маблағларининг почта ўтказмалари билан боғлиқ операция амалга ошириладиган юридик шахс;

ички назорат — пул маблағларининг почта ўтказмаларини қабул қилиш ва етказиб бериш (топшириш)ни амалга оширувчи почта алоқаси операторлари, провайдерларининг махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлашга доир фаолиятидир;

идентификациялаш — фойдаланувчиларнинг лозим даражадаги текширувини амалга ошириш мақсадида улар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида фойдаланувчилар тўғрисидаги маълумотларнинг почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан аниқланиши;

хабар қилиниши лозим бўлган операциялар — ички назоратни ўтказиш давомида почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан шубҳали деб топилган, содир этиладиган ва тайёрланадиган пул маблағларининг почта ўтказмалари билан операциялар;

шубҳали операция — пул маблағларининг почта ўтказмалари билан боғлиқ, тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, мазкур Қоидаларни амалга оширишда почта алоқаси операторлари, провайдерларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция;

почта алоқаси хизматларидан фойдаланувчи (бундан кейин — фойдаланувчи) — почта алоқаси хизматларининг истеъмолчиси ҳисобланадиган юридик ёки жисмоний шахс;

пул маблағларининг почта ўтказмаси (бундан кейин — пул ўтказмаси) — почта алоқаси оператори ёки провайдерининг почта алоқаси ва телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда пул маблағларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) бўйича хизмати;

махсус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти номидан Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бошқармаси (бундан кейинги ўринларда Департамент деб юритилади).

2. Ички назоратни амалга ошириш мақсади қуйидагилар ҳисобланади:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қаратилган пул ўтказмалари билан боғлиқ операцияларни самарали аниқлаш ва олдини олиш;

почта алоқаси операторлари, провайдерларининг қасддан ёки қасддан бўлмаган жиноий фаолиятга жалб қилинишига йўл қўймаслик;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш.

3. Ички назоратни амалга оширишда почта алоқаси операторлари, провайдерларининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

қонун ҳужжатлари, ушбу Қоидаларга мувофиқ фойдаланувчиларни лозим даражада текшириш чораларини амалга ошириш;

бенефициар мулкдорларни, шунингдек, операцияларни бажаришда фойдаланиладиган пул маблағларининг келиб чиқиш манбаларини аниқлаш ва ўрганиш;

ушбу Қоидаларнинг 20-бандида белгиланган мезонлар асосида шубҳали операцияларни аниқлаш;

ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган ва хабар қилиниши лозим бўлган шубҳали операциялар тўғрисидаги ахборотлар (ҳужжатлар)-ни Департаментга ўз вақтида тақдим этиш;

алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида Департаментни хабардор этиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

пул ўтказмалари билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотнинг, шунингдек, идентификациялаш маълумотлари ва фойдаланувчиларни лозим даражада текширишга доир материалларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар давомида сақланишини таъминлаш;

шубҳали операцияларнинг амалга оширилиши ёки амалга оширишга уринишлар, шубҳали операцияларни амалга оширган фойдаланувчилар билан боғлиқ шахслар (раҳбарлар, таъсисчилар) тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай ахборот билан давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро алмашинуви;

сўровнома бўйича мижозлар базасидан террорчилик фаолиятини молиялаштириш билан боғлиқ бўлган шахсларни аниқлаш.

II. Ички назорат тизимини ташкил этиш

4. Почта алоқасининг операторлари, провайдерлари ички назоратни ташкил этиш, мазкур Қоидаларга риоя этилиши учун таркибий бўлинмани шакллантириш ёки масъул шахсларни белгилашга жавобгар бўладилар.

Мазкур Қоидаларга риоя этилиши учун масъул шахсларга тақдим этиладиган малака талаблари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги

қонун ҳужжатларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда ташкилот раҳбари томонидан белгиланади.

5. Ички назорат тизими почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан уларнинг фаолият кўрсатиш хусусиятлари, фаолиятининг асосий йўналишлари, фойдаланувчилар ва уларнинг операциялари билан боғлиқ таваккалчилик хавфи даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

6. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари мазкур Қоидаларга риоя этилиши учун масъул шахслар рўйхатини ҳар йили 15 январгача Департаментга тақдим этадилар.

7. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида мазкур Қоидаларга риоя этилиши учун масъул шахслар қўйидаги функцияларни бажарадилар:

мазкур Қоидаларга мувофиқ ички назорат ва фойдаланувчиларни лозим даражада текшириш процедураларини жорий этиш ва амалга оширишни ташкил этадилар;

ички назоратни амалга ошириш бўйича тадбирлар дастурларини ишлаб чиқадилар ва раҳбариятга тасдиқлаш учун киритадилар (тасдиқлайдилар);

мазкур Қоидалар ва ички назорат дастурларини амалга ошириш натижалари тўғрисидаги ҳисоботни ташкилот раҳбарига белгиланган (йилда бир мартадан кам бўлмаган) муддатларда тақдим этадилар;

фойдаланувчиларнинг ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялари ёки хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги хабарларнинг ўз вақтида Департаментга юборилишини, шунингдек, Департаментнинг қўшимча ахборот тақдим этиш тўғрисидаги сўровларини бажарилишини таъминлайдилар;

мазкур Қоидалар ва ички назорат дастурларини амалга ошириш жараёнининг махфийлигини таъминлайдилар.

8. Мазкур Қоидаларга риоя этилиши учун масъул шахслар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ташкилотлари ходимларидан ички назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган ташкилий-бошқарув, бухгалтерлик ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиш;

ички назоратни амалга ошириш мақсадида олинган ҳужжатлардан нусха кўчириш, ташкилотнинг электрон маълумотлар базалари, маҳаллий ҳисоблаш тармоқлари ва автоматлаштирилган компьютер тизимларида сақланадиган файллар ва бошқа ёзувлар нусхаларини олиш;

хабар қилиниши лозим бўлган операцияга нисбатан кейинги хатти-ҳаракатлар (шу жумладан, фойдаланувчи ёки операция тўғрисидаги қўшимча ахборотни олиш ёки мавжуд ахборотни текшириш мақсадида операция ўтказилишини тўхтатиб туриш) бўйича раҳбариятга таклифлар киритиш.

Мазкур Қоидаларга риоя этилиши учун масъул шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

9. Мазкур Қоидаларга риоя этилиши учун масъул шахслар қўйидаги мажбуриятларга эга:

фойдаланувчиларнинг лозим даражада текширувини ва идентификацияланишини амалга ошириш;

бенефициар мулкдорларни идентификациялаш бўйича чораларни кўриш; шубҳали операцияларни ҳужжатлар билан қайд қилиш;

шубҳали операцияларни аниқлаганда, белгиланган тартибда Департаментга маълумот бериш;

олинган ахборотнинг махфийлигига риоя қилиш;

ички назоратни амалга ошириш давомида олинган ҳужжатларни сақлашни ва қайтарилишини таъминлаш.

Мазкур Қоидаларга риоя этилиши учун масъул шахслар зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

10. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан мазкур Қоидаларга риоя этилиши учун масъул шахсларни ўқитиш ҳамда малакасини ошириш ташкил этилади ва ўтказилади.

11. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан бир йилда камида бир марта фойдаланувчиларни лозим даражада текшириш ва идентификациялаш натижаларининг таҳлили ўтказилади. Таҳлил натижалари бўйича, агар фойдаланувчи томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни ёки терроризмни молиялаштиришни амалга ошириш хавфи юқори деб баҳоланса, у ҳолда ушбу фойдаланувчи томонидан пул ўтказмалари бўйича ўтказиладиган операцияларга кучайтирилган эътибор қаратиши зарур.

III. Фойдаланувчиларни лозим даражада текшириш

12. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари қуйидаги ҳолларда фойдаланувчиларни лозим даражада текшириш чораларини кўрадилар:

пул ўтказмаларини қабул қилиш ва етказиб бериш (топшириш) бўйича хизматларни кўрсатишда;

олиб борилаётган операцияларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадларига алоқадор эканлигига ҳар қандай шубҳалар мавжуд бўлганда;

идентификациялаш учун аввал олинган маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва ишончилигига шубҳа мавжуд бўлганда.

13. Фойдаланувчиларни лозим даражада текшириш хизматлар кўрсатишнинг барча босқичларида амалга оширилиши шарт.

Фойдаланувчини ёки бенефициар мулкдорни идентификациялаш билан бир қаторда қонун ҳужжатларига мувофиқ улар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда уларнинг операцияларни амалга оширишга бўлган ваколатлари текширилиши шарт.

14. Фойдаланувчининг операцияларни амалга ошириш тўғрисидаги топшириқ билан бир ёки бир неча мартаба мурожаат қилганда почта алоқаси операторлари, провайдерлари қуйидагиларни бажаришга мажбур:

мазкур Қоидалар ёки бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига муво-

фиқ операция бўйича фойдаланувчини ёки наф олувчини идентификациялаш;

фойдаланувчининг аввалги ҳисобот даври (ой, чорак, ярим йил, йил) мобайнида амалга оширган операцияларини, агар бундай операциялар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлса, ўрганиб чиқиш;

операциянинг турини ва унинг фойдаланувчи — юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган фаолияти мақсади ва турларига мувофиқлик даражасини аниқлаш;

операция турини ҳамда унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган фойдаланувчи — жисмоний шахснинг давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасида кўрсатилган фаолият турига мувофиқлик даражасини аниқлаш.

15. Фойдаланувчи — жисмоний шахсни идентификациялаш шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унга тенглаштирилган ҳужжат) асосида амалга оширилади.

Агар жисмоний шахс яқка тартибдаги тадбиркор бўлса, унинг давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ҳам ўрганилиши керак.

16. Фойдаланувчи — юридик шахсни идентификациялашда зарур ҳолларда почта алоқаси операторлари, провайдерлари давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи, раҳбарлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, таъсис ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларни текширишлари керак.

17. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари фойдаланувчи томонидан тақдим этиладиган ахборотни:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан олинган фойдаланувчи тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш;

фойдаланувчининг почта алоқасининг бошқа операторлари, провайдерлари билан ўзаро муносабатларини ўрганиш орқали текширишга ҳақли.

18. Юридик ва жисмоний шахсларни идентификациялаш жараёнида почта алоқаси операторлари, провайдерлари бенефициар мулкдорларни идентификациялаш бўйича, шу жумладан, фойдаланувчи мол-мулкнинг тузилишини ўрганиш йўли билан, асосланган ва мумкин бўлган чора-тадбирларни қўллаши лозим.

19. Почта алоқаси оператори, провайдери фойдаланувчилар томонидан идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, уларга операцияларни амалга оширишда рад жавобини беради.

IV. Шубҳали операцияларни аниқлаш мезонлари ва тартиби

20. Пул маблағларини қабул қилиш, ўтказиш ва тўлаш бўйича операция қўйидаги ҳолларда шубҳали деб топилиши мумкин:

зарурат туфайли сўралаётган, шу жумладан ишонч билдирувчи шахс (агар фойдаланувчи ишончли вакил сифатида иштирок этса) тўғрисидаги

маълумотларнинг фойдаланувчи томонидан тақдим этилишининг асосиз рад этилиши (қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлардан ташқари);

фойдаланувчининг амалга ошириладиган битимга нисбатан махфийлик масалалари билан ортиқча ташвишланиши;

операцияни амалга оширишда фойдаланувчи талаби билан қилинаётган асосланмаган шошма-шошарлик;

амалга оширишнинг мақсади қонун ҳужжатларида ўрнатилган назорат жараёнлари бош тортиш деб тахмин қилишга асос бўладиган операцияларнинг кўп маротаба бажарилишини аниқлаш;

агар фойдаланувчи бир ёки 30 календарь куни давомида умумий суммаси энг кам иш ҳақи миқдорининг 1000 баробарига тенг бўлган суммадан ошадиган пул ўтказмаларини жўнатса ёки олса;

агар фойдаланувчи чалкаш ёки ғайриоддий характерга эга бўлган пул ўтказмаларини жўнатаётган ёки олаётган бўлса (умумий суммасига боғлиқ бўлмаган ҳолда бир ёки 30 календарь куни давомида 10 ва ундан ортиқ пул ўтказмаларини турли манзиллар бўйича жўнатиш);

агар пул ўтказмасини қандайдир сабабларга кўра адресатга ёки жўнатувчига топширишнинг имконияти бўлмаса;

агар фойдаланувчи — юридик шахс ўзаро ҳисоб-китобларни нақд пул маблағлари билан ўтказишни талаб қилса;

агар фойдаланувчи ёки операция иштирокчиларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса;

операцияларни амалга оширишда фойдаланилган пул маблағлари жиноий келиб чиқишга эгаллиги тўғрисидаги ҳар қандай шубҳаларнинг мавжудлиги.

21. Операциянинг шубҳали деб топилиши ҳар бир аниқ ҳолатда ушбу Қоидаларда ўрнатилган шубҳалилик мезонларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган комплекс таҳлил асосида, шунингдек, фойдаланувчининг шахси, пул ўтказмасининг мақсадлари ва миқдори билан ҳамда шубҳали операцияларни тўғри аниқлаш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар асосида аниқланадиган таваккалчилик хавфига боғлиқ равишда амалга оширилади.

22. Пул ўтказмалари билан бажариладиган ҳар қандай операция, бу операциянинг тарафларидан бири:

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчиликни амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати ос-

тидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, Департаментга хабар қилиниши лозим.

Бундай ҳолларда почта алоқаси операторлари, провайдерлари пул ўтказмалари билан боғлиқ операцияларни бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида Департаментни хабардор қилишга мажбурдирлар. Пул ўтказмалари билан боғлиқ операцияни тўхтатиб туриш тўғрисида Департаментнинг кўрсатмаси бўлмаса, кўрсатилган муддат ўтгач, почта алоқаси оператори, провайдери тўхтатиб турилган операцияни бажаришга киришади.

23. Фойдаланувчи операцияси шубҳали деб топилганидан кейин мазкур Қоидаларга риоя этилиши учун масъул шахс фойдаланувчига нисбатан кўриладиган кейинги ҳаракатлар тўғрисида қарор қабул қилади, шу жумладан: шубҳали операция тўғрисида Департаментга хабар қилиш; фойдаланувчи билан боғлиқ операцияларни ўтказишга алоҳида эътиборни қаратиш зарурлиги;

конун ҳужжатларига ёки фойдаланувчи билан тузилган шартномага мувофиқ у билан муносабатларни тўхтатиш.

24. Шубҳали операциялар ҳақидаги маълумотлар почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан Демартаментга шубҳали операциялар деб топилган пайтдан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган шаклда берилади.

Шубҳали операцияга нисбатан ҳар бир хабар тўғрисидаги ахборот мазкур Қоидаларга риоя этилиши учун масъул шахс томонидан қоғоз ва (ёки) электрон кўринишда юритиладиган махсус дафтарга киритилади.

25 Почта алоқаси операторлари, провайдерлари, шунингдек, тегишли операцияга нисбатан шубҳаларни тасдиқлаши ёки олиб ташловчи ҳар қандай ахборотни дарҳол Департаментга хабар бериши зарур.

V. Ички назоратни амалга ошириш натижасида олинган ахборот ва ҳужжатларни расмийлаштириш, сақлаш, махфийлигини таъминлаш

26 Қонун ҳужжатлари ва ушбу Қоидаларга мувофиқ Департаментга хабар қилиниши лозим бўлган операциялар бўйича қуйидагилар ҳужжатлар билан расмийлаштирилади:

операция тури ва уни бажариш асослари;

операцияни бажариш санаси ва қандай суммага бажарилганлиги;

операцияни бажараётган фойдаланувчини идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

топшириғига кўра ва номидан операцияни бажараётган фойдаланувчини идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

фойдаланувчини номидан операцияни бажарувчи, бу шахснинг вакили (ишончли вакили)ни идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

пул маблағлари билан операциялар бўйича олувчини ва унинг вакилини идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар.

27 Почта алоқаси операторлари, провайдерлари пул маблағлари билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, идентификациялаш маълумотларини ва фойдаланувчиларни лозим даражада текширишга доир материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган, лекин операциялар амалга оширилганидан ёки фойдаланувчилар билан муносабатлар тўхтатилганидан кейин беш йилдан кам бўлмаган муддат давомида сақлашлари шарт.

28 Почта алоқаси операторлари, провайдерлари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотдан эркин фойдаланишни чеклайдилар, уни тарқалиб кетмаслигини таъминлайдилар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларни уларнинг операциялари тўғрисидаги хабарлар Департаментга тақдим этилганлиги тўғрисида хабардор қилишга ҳақли эмаслар.

Почта алоқаси операторлари, провайдерлари уларнинг ходимлари томонидан ички назорат бўйича функцияларни бажариш жараёнида олинган ахборотнинг ошқор этилмаслиги (ёки шахсий мақсадларда ёхуд учинчи шахслар манфаатларида фойдаланмаслик)ни таъминлайдилар.

VI. Яқуний қоидалар

29. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан ушбу Қоидаларнинг талабларига риоя қилинишининг мониторинги ва назорати Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Департамент билан биргаликда амалга оширилади.

30. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик фактларини яширишда, шунингдек, ушбу Қоидалар талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА
ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**491 Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал ишти-
рокчилари учун жиноий фаолиятдан олинган даро-
мадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга
қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқ-
лаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2033*

(2009 йил 13 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда), «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-331-сон «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 18-сон, 147-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ва Бош прокуратура хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти **қарор қиладилар:**

1. Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат

рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги
Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва
назорат қилиш маркази
Бош директори**

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 октябрь,
2009-43-сон

**Бош прокуратура ҳузуридаги
Солиқ, валютага оид жиноятларга
ва жиноий даромадларни
легаллаштиришга қарши курашиш
департаменти бошлиғи**

З. ДЎСАНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 октябрь,
38-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 2009-43, 38-сон қарорига
ИЛОВА

**Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал
иштирокчилари учун жиноий фаолиятдан олинган
даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича
ички назорат
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда), «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпла-

ми, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) мувофиқ қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

Мазкур Қоидалар талаблари қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларга татбиқ қилинади, тижорат банклари ва суғурталовчилар бундан мустасно.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланган:

бенефициар мулкдор — пировард натижада мулк ҳуқуқига эга бўладиган ёки мижозни аниқ назорат қиладиган жисмоний шахс, шу жумладан, унинг манфаатлари йўлида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция амалга ошириладиган юридик шахс;

ички назорат — махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлаш бўйича қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари фаолияти;

мижозни идентификациялаш — мижозни лозим даражада текшириш мақсадида, улар топширган ҳужжатлар асосида қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан мижозлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш;

бенефициар мулкдорни идентификациялаш — қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан қонун ҳужжатлари билан белгиланган таъсис ҳужжатлари (устав ва (ёки) таъсис шартномаси, низом) асосида мулк ва бошқарув тузилмасини ўрганиш орқали юридик шахс бўлган мижознинг мулкдори ёки уни назорат қилувчи шахсни аниқлаш;

мижоз — депонент ёки қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг хизматларидан фойдаланувчи бошқа шахс;

мижозни лозим даражада текшириш — мижознинг ва қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текшириш, таъсис ҳужжатлари асосида мулк ва бошқарув тузилишини ўрганиш орқали бенефициар мулкдорни идентификациялаш, мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва операцияларни, уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида, доимий асосда ўрганиш;

хабар қилиниши лозим бўлган операциялар — ички назоратни ўтказиш давомида қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан шубҳали деб топилган содир этилаётган ва тайёрланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар;

шубҳали операция — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган,

мазкур Қоидаларини амалга оширишда қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчисида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция;

қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси (кейинги ўринларда профессионал иштирокчи деб юритилади) — қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

махсус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти номидан Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бошқармаси (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади).

2. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадларида профессионал иштирокчилар қонун ҳужжатларига ва мазкур Қоидаларга мувофиқ ички назоратни амалга оширадilar.

3. Ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш профессионал иштирокчининг Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1899, 2009 йил 6 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 6-сон, 66-модда) мувофиқ тайинланадиган назоратчи (кейинги ўринларда назоратчи деб юритилади) зиммасига юкланади.

4. Ички назоратнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга йўналтирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни самарали аниқлаш ва олдини олиш;

профессионал иштирокчиларнинг қасддан ёки қасддан бўлмаган жиноий фаолиятга жалб қилинишига йўл қўймаслик;

профессионал иштирокчилар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳамда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни тайёрлаш ва амалга оширишда ички ҳужжатларга қатъий риоя қилинишини таъминлаш.

5. Ички назоратнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Қонун ҳужжатларига ва мазкур Қоидалар ички ҳужжатларига мувофиқ мижозларни лозим даражада текшириш чораларини амалга ошириш;

бенефициар мулкдорларни, шунингдек, қимматли қоғозларга доир операцияларни амалга оширишда фойдаланиладиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк манбаларининг келиб чиқиш манбасини аниқлаш ва ўрганиш;

мазкур Қоидаларнинг 19-бандида белгиланган мезонлар асосида шубҳали операцияларни аниқлаш;

ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган ва хабар қилини-

ши лозим бўлган шубҳали операциялар ҳақидаги ахборотлар (ҳужжатлар)-ни Департаментга ўз вақтида тақдим этиш;

алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида тўхтатиб турилган куннинг ўзида Департаментни хабардор этиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида сақланишини таъминлаш;

профессионал иштирокчилар раҳбариятини тегишли қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ишончли ахборот ва материаллар билан тезкор ва мунтазам таъминлаб бориш;

шубҳали операцияларнинг амалга оширилиши ёки амалга оширишга уринишлар, шубҳали операцияларни амалга оширган мижозлар билан боғлиқ шахслар (раҳбарлар, таъсисчилар) тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай ахборотни давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро айирбошлаш;

сўровномалар бўйича мижозлар базасидан террорчилик фаолиятини молиялаштириш билан боғлиқ бўлган шахсларни аниқлаш.

II. Ички назорат тизимини ташкил этиш

6. Профессионал иштирокчилар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш учун ички назоратни ташкил этиш мақсадида профессионал иштирокчининг ижро этувчи органи томонидан тасдиқланадиган ички назоратни амалга ошириш бўйича чоралар дастурларини (кейинги ўринларда дастурлар деб юритилади) ишлаб чиқишлари ва улар қўйидагиларни назарда тутиши керак:

мижозларни ва операциянинг бошқа иштирокчиларини лозим даражада текшириш ҳамда идентификациялаш бўйича чора-тадбирларни;

Департаментга хабар қилиниши лозим бўлган шубҳали операциялар мезонларини;

профессионал иштирокчининг мижози томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширилиши таваккалчилик хавфини баҳолашни;

шубҳали операцияларни ҳужжатларда қайд этиш ва улар тўғрисида Департаментга хабар қилишни;

профессионал иштирокчи ходимларини ички назорат жараёнлари

ва мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларга ўқитишни.

7. Ички назорат тизими фаолият кўрсатиш хусусиятлари, фаолиятининг асосий йўналишлари, мижозлар ва уларнинг операциялари билан боғлиқ мижозлар базаси ва таваккалчилик хавфи даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ҳар йили 15 январгача мазкур Қоидаларга риоя этилишига масъул бўлган назоратчиларининг рўйхатларини Департаментга тақдим этади ва ушбу рўйхатдаги ўзгаришлар тўғрисида унга маълум бўлган вақтдан эътиборан беш иш куни мобайнида хабардор қилишни таъминлайди.

9. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида назоратчи қўидаги функцияларни бажаради:

мазкур Қоидаларга мувофиқ ички назоратни ва мижозларни лозим даражада текширишни жорий этишни ва амалга оширишни ташкиллаштиради;

профессионал иштирокчининг фаолиятига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, дастурларни ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун киритади;

мижозларнинг ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялари ва хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги хабарларни Департаментга ўз вақтида юборилишини, шунингдек, Департаментнинг қўшимча ахборот тақдим этиш тўғрисидаги сўровларининг бажарилишини таъминлайди;

мазкур Қоидалар ва дастурларни амалга ошириш жараёнининг махфийлигини таъминлайди.

10. Назоратчи қўидаги ҳуқуқларга эга:

профессионал иштирокчининг раҳбарлари ва ходимларидан ички назоратни амалга ошириш мақсадлари учун зарур бўлган ташкилий-бошқарув, бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

ички назоратни амалга ошириш мақсадида олинган ҳужжатлардан нусха кўчириш, профессионал иштирокчининг электрон маълумотлар базалари, маҳаллий ҳисоблаш тармоқлари ва автоматлаштирилган компьютер тизимларидаги файллар ва бошқа ёзувлардан нусхалар олиш;

хабар қилиниши лозим бўлган операцияларга нисбатан келгусидаги хатти-ҳаракатлар бўйича раҳбариятга таклифлар киритиш (шу жумладан, мижоз ёки операция тўғрисида қўшимча ахборот олиш ёки мавжуд ахборотни текшириш мақсадида ўтказилаётган операцияни тўхтатиш бўйича).

Назоратчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Назоратчи қўидагиларга мажбурдир:

мижозларни лозим даражада текширишни амалга ошириш;

бенефициар мулкдорларни идентификациялаш чора-тадбирларини кўриш;

шубҳали операциялар аниқланганда, белгиланган тартибда Департаментга маълумот бериш;

олинган маълумотнинг махфийлигига риоя қилиш;

ички назоратни амалга ошириш давомида олинган ҳужжатларнинг сақланиши ва қайтарилишини таъминлаш.

Назоратчи зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

III. Мижозларни лозим даражада текшириш

12. Профессional иштирокчилар:

амалий иш муносабатлари ўрнатилганда;

олиб борилаётган операцияларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадларига алоқадор эканлигига ҳар қандай шубҳа юзага келганида;

идентификациялаш учун аввал олинган маълумотларнинг аслийлиги ва ишончлигига шубҳа туғилганда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни кўрадилар.

13. Мижозларни лозим даражада текшириш операцияларни амалга оширишнинг барча босқичларида олиб борилиши лозим.

Бинефициар мулкдорни аниқлаш учун профессионал иштирокчилар мижоз бошқа мижоз номидан ҳаракат қилаётганлигини аниқлаши керак ва ундан кейин мижоз кимнинг номидан иш кўраётган бўлса, уни идентификациялаш ҳамда шахсини лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўриши шарт.

Мижоз ёки бенефициар мулкдорни идентификациялаш билан бир қаторда уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этиладиган ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда уларнинг операцияларни амалга оширишга бўлган ваколатлари текширилиши шарт.

Профессional иштирокчи зарур бўлганда мижозни лозим даражада текшириш билан бир қаторда шунингдек, унинг ихтиёрида мавжуд маълумотлар ва ахборотлар бўйича ушбу мижознинг илгари ўтказилган операцияларини ўрганиб чиқиш талаб этилади.

14. Мижоз — жисмоний шахсни идентификациялаш унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки унга тенглаштирилган ҳужжат) асосида амалга оширилади. Агар жисмоний шахс яқка тартибдаги тадбиркор бўлса, унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ҳам ўрганилиши лозим.

15. Мижоз — юридик шахсни идентификациялашда профессионал иштирокчилар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери, раҳбарлари тўғрисидаги, шунингдек, таъсис ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларни текширишлари шарт.

16. Профессional иштирокчи жисмоний ва юридик шахсларни иденти-

фикациялаш жараёнида мижознинг бенефициар мулкдорини идентификациялаш бўйича, шу жумладан, мижознинг мол-мулкининг тузилишини ўрганиш йўли билан, асосланган ва мумкин бўлган чора-тадбирларни қўллаши шарт.

17. Профессional иштирокчи мижоз томонидан тақдим этилаётган ахборотни давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан мижоз ҳақида олинган маълумотлардан фойдаланиш орқали текширишга ҳақлидир.

18. Идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этмаган мижозларга профессионал иштирокчи операцияларни бажаришни рад этади.

IV. Хабар қилиниши лозим бўлган шубҳали операцияларни аниқлашнинг мезонлари ва тартиби

19. Қуйидаги ҳолларда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция шубҳали деб топилиши мумкин:

мижоз томонидан мижозни идентификациялаш зарурати туфайли сўраётган, шу жумладан, ишонч билдирувчи (агар мижоз ишончли вакил сифатида иш юритаётган бўлса) ҳақидаги маълумотларни тақдим этишни сабабсиз рад этилиши;

мижознинг амалга оширилаётган битимга нисбатан махфийлик масалалари билан ортиқча ташвишланиши;

мижознинг хизмат кўрсатишнинг фойдалироқ шартларига нисбатан эътиборсиз бўлиши, шунингдек, мижоз томонидан қимматли қоғозлар бозоридаги айни турдаги хизматлар кўрсатишдаги оддий тўловдан фарқ қиладиган юқори мукофотнинг таклиф қилиниши;

мижознинг шартнома бўйича амалиётдан ўзгача ва ностандарт ҳамда қийин бўлган тўлов схемаси орқали ҳисоб-китоб қилиш таклифи;

мижоз томонидан аввал келишилган операциянинг (битимнинг) схемасига бевосита уни амалга оширилишидан олдин сезиларли ўзгартиришлар киритилиши;

мижоз томонидан бекор қилинган битимлар бўйича ўз пул маблағларининг учинчи шахсларга қайтаришни амалга оширишнинг таклиф этилиши;

бир йўла ёки қисмлар бўйича бир турдаги ва бир хил ҳажмдаги молиявий воситаларни сотиб олиб (сотиб), бундай битимлар томонлари гоҳ сотувчи, гоҳ харидор сифатида мунтазам равишда ўзгариб турувчи ўзаро битимларнинг амалга оширилиши;

маълумотлар ва ҳужжатлар тақдим этилишини мижоз томонидан асоссиз кечиктирилиши ёки мижоз томонидан текшириб бўлмайдиган маълумотни тақдим этилиши;

операцияни амалга оширишда мижоз талаби билан қилаётган асосланмаган шошма-шошарлик;

агар мижоз томонидан бир ёки 30 календарь куни мобайнида депонентга қўйилган пул маблағлари суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараварига тенг миқдоридаги суммадан ошса;

мижоз томонидан қимматли қоғозларни бозор нархларидан сезилар-

ли фарқ қиладиган нархларда сотиб олишнинг (сотишнинг) амалга оширилиши;

энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваридан ортиқ суммадаги қимматли қоғозларнинг юридик (жисмоний) шахслар ўртасида бепул асосда ёки дебиторлик ва кредиторлик қарзлар бўйича топширилиши;

хисоб-китоб-клиринг палаталаридаги Фойдаланувчиларнинг шахсий рақамларида (бундан кейинги ўринларда ФШР деб юритилади) жамланган пул маблағларидан бошқанинг фойдасига воз кечиш бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараварига тенг миқдоридаги суммадан ошган операцияларнинг ўтказилиши, бир марталик ўтказилган операциялар каби уч ой мобайнида ўтказилган бир нечта операциялар ҳам;

оффшор ҳудудларда ва жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этмайдиган давлатларда рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар учун ФШР очишга топшириқнома берилиши;

мижоз ҳақидаги маълумотнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, кўрсатилган боғланиш маълумотлари, хусусан, почта ва электрон манзили, телефон рақамлари ва электрон канал маълумотлари бўйича мижоз билан алоқа ўрнатиш имкониятининг йўқлиги;

агар мижоз ёки операция иштирокчиларидан бири жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этмайдиган давлатда доимий яшайдиган, турган ёки рўйхатдан ўтказилган бўлса;

мижоз томонидан битим иштирокчилари ҳақида била туриб ёлғон ахборот ва нотўғри маълумотларнинг тақдим этилиши;

қимматли қоғозларга доир операцияларни амалга оширишда фойдаланилган пул маблағларининг жинойй келиб чиқиши тўғрисидаги ҳар қандай бошқа шубҳаларнинг мавжудлиги.

20. Операцияни шубҳали деб топиш ҳар бир аниқ ҳолатда ушбу Қоидалар билан ўрнатилган шубҳалилик мезонларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган комплекс таҳлил асосида, шунингдек, мижоз шахси, унинг обрўси, битимнинг асослари, мақсадлари, ҳажми ва тури, уни амалга ошириш усули билан ҳамда шубҳали операцияни тўғри аниқлаш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар асосида аниқланадиган таваккалчилик хавфига боғлиқ равишда амалга оширилади.

21. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳар қандай операция, шу операцияларнинг тарафларидан бири:

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчиликни амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати ос-

тидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, Департаментга хабар қилиниши лозим.

Бундай ҳолларда профессионал иштирокчилар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида Департаментни хабардор қилишга мажбурдирлар. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни тўхтатиб туриш тўғрисида Департаментнинг кўрсатмаси бўлмаса, кўрсатилган муддат ўтгач профессионал иштирокчи тўхтатиб турилган операцияни бажаришга киришади.

22. Мижознинг операцияси шубҳали деб топилгандан сўнг, назоратчи мижозга нисбатан келгусидаги хатти-ҳаракатлар ҳақида қарор қабул қилади, жумладан:

шубҳали операция тўғрисида Департаментга хабар бериш ҳақида;

мижоз билан операция ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш ҳақида;

конун ҳужжатлари ёки у билан тузилган шартномага мувофиқ мижоз билан муносабатларни тўхтатиш ҳақида.

23. Шубҳали операциялар ҳақидаги маълумотлар профессионал иштирокчилар томонидан Департаментга шубҳали операциялар деб топилган пайдан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган шаклда берилади.

Шубҳали операцияларга тааллуқли ҳар бир маълумот ҳақидаги ахборот профессионал иштирокчининг назоратчиси томонидан қоғоз ва (ёки) электрон кўринишда юритиладиган махсус журналларга киритилади.

24. Профессионал иштирокчилар тегишли операциядан шубҳани тасдиқловчи ёки олиб ташловчи ҳар қандай маълумотни Департаментга кечиктирмай топширишлари зарур.

V. Ички назоратни амалга ошириш натижасида олинган ахборот ва ҳужжатларни расмийлаштириш, сақлаш, махфийлигини таъминлаш

25. Департаментга хабар қилиниши лозим бўлган операциялар бўйича қонун ҳужжатларига ва мазкур Қоидаларга мувофиқ қуйидагилар расмийлаштирилади:

операциянинг тури ва уни амалга ошириш асоси;

операцияни амалга ошириш санаси ва суммаси;

операцияни амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахсни идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

топширигига кўра ёки номидан операцияни бажараётган жисмоний ва юридик шахсни идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

операцияни амалга ошираётган жисмоний шахс (ишончли вакили) ёки юридик шахснинг вакилини идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар бўйича олувчини ва унинг вакилини идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар.

26. Профессional иштирокчилар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш материалларини ва маълумотларини қонун ҳужжатларида белгиланган, лекин операция амалга оширилганидан ёки мижоз билан муносабатлар тўхтатилганидан кейин беш йилдан кам бўлмаган муддатлар мобайнида сақлашлари шарт.

27. Профессional иштирокчилар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотдан эркин фойдаланишни чеклайдилар, уни тарқалиб кетмаслигини таъминлайдилар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга, уларнинг операциялари ҳақида Департаментга маълумот берилганлиги тўғрисида ахборот беришга ҳақли эмаслар.

Профессional иштирокчилар ички назорат функцияларини амалга ошириш жараёнида олинган ахборотни ўз ходимлари томонидан ошкор қилмасликни (шахсий мақсадлари ёхуд учинчи шахслар манфаатлари учун фойдаланилмаслигини) таъминлайдилар.

VI. Яқунловчи қоидалар

28. Профессional иштирокчилар томонидан мазкур Қоидалар талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан Департамент билан биргаликда амалга оширилади.

29. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги холларини яширишда, шунингдек, мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА
ЖИНОЙЎ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

492 Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2034*

(2009 йил 13 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-331-сонли қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Департамент бошлиғи

З. ДЎСАНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 октябрь,
36-сон

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси ҳузурдаги Солиқ,
валютага оид жиноятларга ва жиноий даро-
мадларни легаллаштиришга қарши курашиш
департаменти бошлиғининг 2009 йил
13 октябрдаги 36-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан
боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар
учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни
легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга
қарши курашиш бўйича ички назорат
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-331-сонли «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 18-сон, 147-модда) мувофиқ қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланган:

бенефициар мулкдор — пировард натижада мулк ҳуқуқига эга бўладиган ёки мижозни аниқ назорат қиладиган жисмоний шахс, шу жумладан, унинг манфаатлари йўлида қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операция амалга оширилаётган юридик шахс;

ички назорат — махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлаш бўйича қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар фаолияти;

қимматбаҳо металллар — олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳига кирувчи (палладий, иридий, родий, рутений ва осмий) металллар ҳар қандай ҳолат ва кўринишдаги, шу жумладан, табиий қўйма ва афинланган шаклда, шунингдек, хом ашёлар, эритмалар, ярим-тайёр маҳсулотлар, саноат маҳсу-

лотлари, кимёвий бирикмалар, заргарлик ва бошқа буюмлар, тангалар, ломлар ва ишлаб чиқаришдан қолган чиқинди шаклида;

қимматбаҳо тошлар — табиий олмослар, зумрад, ёқут, зангори-кўкиш ёқут ва александритлар, марваридлар шу жумладан, хом (табиий) ва ишлов шаклида, шунингдек, ишлаб чиқаришдан қолган чиқинди шаклида;

мижозни идентификациялаш — мижозни лозим даражада текшириш мақсадида, улар топширган ҳужжатлар асосида қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар томонидан мижозлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш;

бенефициар мулкдорни идентификациялаш — қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар томонидан қонун ҳужжатлари билан белгиланган таъсис ҳужжатлари (устав ва (ёки) таъсис шартномаси, низом) асосида мулк ва бошқарув тузилмасини ўрганиш орқали юридик шахс бўлган мижознинг мулкдори ёки уни назорат қилувчи шахсни аниқлаш;

мижоз — қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга ошириш тўғрисида ёзма ёки оғзаки топшириқ билан мурожаат қилувчи жисмоний ёки юридик шахс;

мижозни лозим даражада текшириш — мижознинг ва қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текшириш, таъсис ҳужжатлари асосида мулк ва бошқарув тузилишини ўрганиш орқали бенефициар мулкдорни идентификациялаш, мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва операцияларни, уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида, доимий асосда ўрганиш;

хабар қилиниши лозим бўлган операциялар — ички назоратни ўтказиш давомида шубҳали деб топилган қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган содир этилаётган ва тайёрланаётган операциялар;

шубҳали операция — қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ, тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, мазкур Қоидаларда белгиланган мезонлардан келиб чиқиб, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция;

махсус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти номидан Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бошқармаси (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади).

2. Ички назорат мақсадлари қуйидагилардан иборат:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга йўналтирилган қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо

тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни самарали аниқлаш ва олдини олиш;

қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахсларни қасддан ёки қасддан бўлмаган жиноий фаолиятига жалб қилишга йўл қўймаслик.

қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш.

3. Ички назорат вазифалари қўйидагилардан иборат:

қонун ҳужжатларига ва мазкур Қоидаларга мувофиқ мижозларни лозим даражада текшириш чораларини амалга ошириш;

бенефициар мулкдорларни, шунингдек, қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширишда фойдаланиладиган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк манбаларининг келиб чиқиш манбаини аниқлаш ва ўрганиш;

мазкур Қоидаларда белгиланган мезонлар асосида шубҳали бўлган операцияларни аниқлаш;

ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган ва хабар қилиниши лозим бўлган шубҳали операциялар ҳақидаги ахборотлар (ҳужжатлар)ни Департаментга ўз вақтида тақдим этиш;

алоҳида ҳолларда қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни, бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида Департаментни хабардор этиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида сақланишини таъминлаш;

шубҳали операцияларнинг амалга оширилиши ёки амалга оширишга уринишлар, шубҳали операцияларни амалга оширган мижозлар билан боғлиқ шахслар (раҳбарлар, таъсисчилар) тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай ахборотни давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро айирбошлаш.

II. Ички назорат тизимини ташкил этиш

4. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш учун ички назоратни ташкил этиш мақсадида қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахсларда ушбу Қоидаларга риоя

этилиши учун масъул шахс (кейинги ўринларда масъул шахс деб юритилади) тайинланади.

Агар қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахс фаолиятни индивидуал тарзда (юридик шахс ташкил этмаган ҳолда) амалга оширса, ушбу Қоидаларга риоя этилиши учун жавобгарлик мазкур шахс зиммасига юклатилади.

5. Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахсларнинг ички назорат тизими уларнинг фаолият кўрсатиш хусусиятлари, фаолиятининг асосий йўналишлари, мижозлар ва уларнинг операциялари билан боғлиқ мижозлар базаси ва таваккалчилик даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

6. Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар тайинланган масъул шахс ҳақидаги маълумотни Департаментга тақдим этишлари шарт.

Масъул шахс ўзгарган тақдирда, бу ҳақда қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахс уч иш куни мобайнида Департаментни хабардор қилиши лозим.

7. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида масъул шахс қуйидаги функцияларни бажаради:

мазкур Қоидаларга мувофиқ ички назоратни ва мижозларни лозим даражада текширишни жорий этишни ва амалга оширишни ташкиллаштирилади;

қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахснинг фаолиятига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, ички назоратни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва раҳбариятга тасдиқлашга киритади;

мижозларнинг ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялари ва хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги хабарларни Департаментга ўз вақтида юборилишини, шунингдек, Департаментнинг қўшимча ахборот тақдим этиш тўғрисидаги сўровларининг бажарилишини таъминлайди;

мазкур Қоидалар ва ички назорат дастурларини амалга ошириш жараёнининг махфийлигини таъминлайди.

8. Масъул шахс ички назоратни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ташкилотининг раҳбарлари ва ходимларидан ички назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган ташкилий-бошқарув, бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

ички назоратни амалга ошириш мақсадида олинган ҳужжатлардан нусха кўчириш, ташкилотнинг электрон маълумотлар базалари, маҳаллий ҳисоблаш тармоқлари ва автоматлаштирилган компьютер тизимларидаги файллар ва бошқа ёзувлардан нусхалар олиш;

хабар қилиниши лозим бўлган операцияларга нисбатан келгусидаги хатти-ҳаракатлар бўйича раҳбариятга таклифлар киритиш (шу жумладан, мижоз

ёки операция тўғрисида қўшимча ахборот олиш ёки мавжуд ахборотни текшириш мақсадида ўтказилаётган операцияни тўхтатиш бўйича).

9. Масъул шахс ички назоратни амалга оширишда қуйидагиларга мажбурдир:

ички назоратни амалга ошириш давомида олинган ҳужжатларнинг сақланиши ва қайтарилишини таъминлаш;

мижозларни лозим даражада текширишни амалга ошириш;

бенефициар мулкдорларни идентификациялаш чора-тадбирларини кўриш;

шубҳали операциялар аниқланганда, белгиланган тартибда Департаментга маълумот бериш;

олинган маълумотнинг махфийлигига риоя қилиш.

Масъул шахс зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

10. Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар Департамент билан келишилган ҳолда масъул шахсни мунтазам равишда ўқитишни ва малакасини оширишни ташкил этади.

III. Мижозларнинг тегишли текшируви

11. Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар:

амалий иш муносабатлари ўрнатилганда;

қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар олди-сотди битимлар бўйича хизматлар кўрсатилганда;

олиб борилаётган операцияларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадларига алоқадор эканлигига ҳар қандай шубҳа юзага келганида;

идентификациялаш учун аввал олинган маълумотларнинг аслийлиги ва ишончлилигига шубҳа туғилганда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни кўрадилар.

Мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар сотувчиси ва олувчисига нисбатан бирдек амалга оширилиши керак.

12. Мижозларни лозим даражада текшириш, қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга ошириш пайтидаги барча босқичларида олиб борилиши лозим.

Бинефициар мулкдорни аниқлаш учун қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар мижоз бошқа мижоз номидан ҳаракат қилаётганлигини аниқлаши керак ва ундан кейин мижоз кимнинг номидан иш кўраётган бўлса, уни идентификациялаш ҳамда шахсини лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўриши шарт.

Мижоз ёки бенефициар мулкдорни идентификациялаш билан бир қаторда уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этиладиган ҳужжатларидан

фойдаланган ҳолда уларнинг операцияларни амалга оширишга бўлган ваколатлари текширилиши шарт.

13. Мижоз — жисмоний шахсни идентификациялаш унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки унга тенглаштирилган ҳужжат) асосида амалга оширилади. Агар жисмоний шахс яқка тартибдаги тадбиркор бўлса, унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ҳам ўрганилиши лозим.

14. Мижоз — юридик шахсни идентификациялашда давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги тегишли ҳужжатни, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери, раҳбарлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, таъсис ҳужжатларида кўрсатилган бошқа маълумотларни текширишлари лозим.

Мижоз — юридик шахсни янада батафсилроқ ўрганиш учун:

мижознинг таъсис ҳужжатлари (рўйхатдан ўтказилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан) ва мижознинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларнинг расмийлаштирилишига;

мижознинг бошқарув органларининг тузилиши ва уларнинг ваколатларига;

мижознинг рўйхатдан ўтказилган устав фондининг (капиталининг) миқдорига;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа керакли маълумотларга алоҳида эътибор берилиши лозим.

15. Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар мижоз томонидан тақдим этилаётган ахборотни:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан мижоз ҳақида олинган маълумотлардан фойдаланиш;

мижознинг ишчанлик обрўси тўғрисидаги ахборотни тўплаш;

бошқа эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот манбалари орқали текширишга ҳақлидир.

Мижозларни лозим даражада текшириш учун керак бўлган идентификация ва бошқа маълумотлар камида бир йилда бир марта янгиланиб турилиши керак.

16. Юридик ва жисмоний шахсларни идентификациялаш жараёнида бенефициар мулкдорларни идентификациялаш бўйича, шу жумладан, мижоз мол-мулкининг тузилишини ўрганиш йўли билан, асосланган ва зарур чоратадбирларни қўлланиши лозим.

17. Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар мижозлар томонидан идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, уларга операцияларни амалга оширишда рад жавобини берадилар.

IV. Хабар қилиниши лозим бўлган шубҳали операцияларни аниқлашнинг мезонлари ва тартиби

18. Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган

операция қуйидаги аломатлар мавжуд бўлганда шубҳали деб топилиши мумкин:

жисмоний шахс томонидан қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошларни бир марта ёки 3 ой давомида бир неча маротаба харид қилиш, агар унинг умумий суммаси харид қилиш кунига энг кам иш ҳақининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ортиқ миқдорга тўғри келганда;

жисмоний шахс томонидан қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошларни бир марта ёки 3 ой давомида бир неча маротаба қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошларни қабул қилиш пунктига сотиш, агар унинг умумий суммаси топшириш кунига энг кам иш ҳақининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ортиқ миқдорга тўғри келганда;

жисмоний шахс томонидан қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошларни бир марта ёки 3 ой давомида бир неча маротаба таркибида қимматбаҳо металллар ва аффинланган қимматбаҳо металллар мавжуд бўлган чиқиндиларни ҳамда парчаларни қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни қабул қилиш пунктига сотиш, агар унинг умумий суммаси сотиш кунига энг кам иш ҳақининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ортиқ миқдорга тўғри келганда;

қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошларни қабул қилиш пунктдан жисмоний ёки юридик шахс томонидан қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошларни бир марта ёки 3 ой давомида бир неча маротаба харид қилиш, агар унинг умумий суммаси харид қилиш кунига энг кам иш ҳақининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ортиқ миқдорга тўғри келганда;

жисмоний шахс томонидан қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошларни бир марта ёки 3 ой давомида бир неча маротаба воситачиликка топшириш, агар унинг умумий суммаси топшириш кунига энг кам иш ҳақининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ортиқ миқдорга тўғри келганда;

қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмларни ишлаб чиқариш учун бир марта ёки 3 ой давомида бир неча маротаба буюртма бериш, агар унинг умумий суммаси буюртма бериш кунига энг кам иш ҳақининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ортиқ миқдорга тўғри келганда;

амалга оширилаётган операцияларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга алоқадорлиги ҳақида асосланган шубҳалар мавжуд бўлган барча ҳолатларда.

19. Операцияни шубҳали деб тан олиш ҳар бир аниқ ҳолатда ушбу Қоидалар билан ўрнатилган шубҳалилик мезонларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган комплекс таҳлил асосида, шунингдек, мижоз шахси, унинг обрўси, амалий иш муносабатларининг хусусияти, битимнинг асослари, мақсадлари, ҳажми ва тури, уни амалга ошириш усули билан ҳамда шубҳали операцияни тўғри аниқлаш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар асосида аниқланадиган таваккалчилик хавфига боғлиқ равишда амалга оширилади.

20. Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай операция, шу операцияларнинг тарафларидан бири:

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчиликни амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, Департаментга хабар қилиниши лозим.

Бундай ҳолларда қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туришга ва ушбу операция ҳақида уни тўхтатиб қўйилган куннинг ўзида Департаментни хабардор қилишга мажбурдирлар. Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияни тўхтатиш ҳақида Департаментнинг кўрсатмаси бўлмаганда, кўрсатилган муддат тугаши билан операцияларни амалга оширувчи шахслар тўхтатилган операцияни амалга оширишга киришади.

21. Мижознинг операцияси шубҳали деб топилгандан сўнг, масъул шахс мижозга нисбатан келгусидаги хатти-харакатлар ҳақида қарор қабул қилади, жумладан:

шубҳали операция тўғрисида Департаментга хабар бериш ҳақида;
мижоз билан операция ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш ҳақида;
қонун ҳужжатларига ёки у билан тузилган шартномага мувофиқ мижоз билан муносабатларни тўхтатиш ҳақида.

22. Шубҳали операциялар ҳақидаги маълумотлар қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар томонидан Департаментга шубҳали операциялар деб топилган пайдан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган шаклда берилади.

Шубҳали операцияларга тааллуқли ҳар бир маълумот ҳақида ахборот масъул шахс томонидан қоғоз ва (ёки) электрон кўринишда юритиладиган махсус журналларга киритилади.

23. Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар тегишли операциядан шубҳани тасдиқловчи ёки олиб ташловчи ҳар қандай маълумотни Департаментга кечиктирмай топширишлари зарур.

**V. Ички назоратни амалга ошириш натижасида
олинган ахборот ва ҳужжатларни расмийлаштириш,
сақлаш, махфийлигини таъминлаш**

24. Департаментга хабар қилиниши лозим бўлган операциялар бўйича қонун ҳужжатларига ва мазкур Қоидаларга мувофиқ қуйидагилар расмийлаштирилади:

операция тури ва уни амалга оширишнинг асослари;

операцияни амалга ошириш санаси ва суммаси;

операцияни амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахсни индентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

операцияни топшириғи бўйича ва номидан амалга оширилаётган жисмоний ёки юридик шахсни индентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

ушбу шахс номидан операцияни амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахснинг вакилини (ишончли вакилини) индентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операциялар бўйича қабул қилувчи ва унинг вакилини индентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар.

25. Операцияларни амалга оширувчи шахслар қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш материалларини ва маълумотларини қонун ҳужжатларида белгиланган, лекин операция амалга оширилганидан ёки мижоз билан муносабатлар тўхтатилганидан кейин беш йилдан кам бўлмаган муддатлар мобайнида сақлашлари шарт.

26. Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотдан эркин фойдаланишни чеклайдилар, уни тарқалиб кетмаслигини таъминлайдилар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга, уларнинг операциялари ҳақида Департаментга маълумот берилганлиги тўғрисида ахборот беришга ҳақли эмаслар.

Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар ички назорат функцияларини амалга ошириш жараёнида олинган ахборотни ўз ходимлари томонидан ошкор қилмасликни (шахсий мақсадлари ёхуд учинчи шахслар манфаатлари учун фойдаланилмаслигини) таъминлайдилар.

VI. Яқунловчи қоидалар

27. Мазкур Қоидалар талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат Департамент томонидан амалга оширилади.

28. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги холларини яширишда, шунингдек, мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА
ЖИНОЙЎ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

493 Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2035

(2009 йил 13 ноябрдан кучга киради)

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 43-сон, 451-модда) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратура хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти **қарор қилади:**

1. Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 октябрь,
102-сон

**Бош прокуратура хузуридаги
Солиқ, валютага оид жиноятларга
ва жиноий даромадларни
легаллаштиришга қарши курашиш
департаменти бошлиғи**

З. ДЎСАНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 октябрь,
42-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузу-
ридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва
жиноий даромадларни легаллаштиришга
қарши курашиш департаментининг 2009 йил
13 октябрдаги 102 ва 42-сонли қарорига
ИЛОВА

Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 43-сон, 451-модда) мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича профессионал хизматларни кўрсатиш жараёнида мижозлар номидан битимларни тайёрлаш ва амалга оширишда пул маблағлари ва бошқа мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудда бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича профессионал хизматларни кўрсатувчи аудиторлик ташкилотларига татбиқ этилади.

2. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
бенефициар мулкдор — якуний ҳолатда мулк ҳуқуқига эгалик қилувчи ёки мижозни ҳақиқатда назорат қилувчи жисмоний шахс ёхуд манфаати кўзланган ҳолда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция амалга оширилаётган юридик шахс;

ички ҳужжатлар — аудиторлик ташкилотлари раҳбарлари томонидан тасдиқланадиган ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилувчи ҳужжатлар;

ички назорат — бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича профессионал хизматларни кўрсатиш жараёнида махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган шубҳали операцияларни аниқлаш бўйича аудиторлик ташкилотининг фаолияти;

мижозни идентификациялаш — мижозни лозим даражада текширишни амалга ошириш мақсадида улар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида мижозлар ҳақидаги маълумотларнинг аудиторлик ташкилотлари томонидан аниқланиши;

мижоз — қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда аудиторлик ташкилоти билан бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича профессионал хизматларни кўрсатиш тўғрисида шартнома тузган юридик шахс;

мижозни лозим даражада текшириш — мижозни ва қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларни текшириш, таъсис ҳужжатлари асосида мулк ва бошқарув тузилишини ўрганиш орқали бенефициар мулкдорни идентификациялаш, мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва операцияларни, уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида, доимий асосда ўрганиш;

хабар қилиниши лозим бўлган операциялар — ички назоратни ўтказиш давомида аудиторлик ташкилоти томонидан шубҳали деб топилган содир этилаётган ва тайёрланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ бўлган ва махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операциялар;

шубҳали операция — тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, мазкур Қоидаларни амалга оширишда аудиторлик ташкилотига жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида унинг амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа туғдирган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар;

ички назорат тизими — жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишни ташкил этиш ва мазкур Қоидаларга риоя этиш бўйича аудиторлик ташкилоти томонидан кўриладиган чора-тадбирлар мажмуаси;

махсус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти номидан Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бошқармаси (бундан кейинги ўринларда Департамент деб юритилади).

3. Ички назоратнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга йўналтирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни самарали равишда аниқлаш ва тўхтатиш;

аудиторлик ташкилотининг қасддан ёки қасддан бўлмаган жиноий фаолиятга жалб этилишига йўл қўймаслик;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ёки терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича аудиторлик ташкилоти томонидан қонун ҳужжатлари талабларига, шунингдек, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни тайёрлаш ва амалга оширишда ички ҳужжатларига оғишмай риоя қилинишини таъминлаш.

4. Ички назоратнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

қонун ҳужжатлари, мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатларга мувофиқ

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

бенефициар мулкдорларни, шунингдек, операцияни амалга оширишда фойдаланиладиган пул маблағларини ва бошқа мол-мулкнинг келиб чиқиш манбаларини аниқлаш ва ўрганиш;

мазкур Қоидаларнинг 23-бандида белгиланган мезонлар асосида шубҳали операцияларни аниқлаш;

ички назоратни амалга оширишда аниқланган ва хабар қилиниши лозим бўлган шубҳали операциялар ҳақидаги ахборотларни (ҳужжатларни) Департаментга ўз вақтида тақдим этиш;

алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни ушбу операция амалга оширилиши лозим бўлган санадан бошлаб уч иш кунига тўхтатиб туриш ва бундай операция ҳақида у тўхтатилган кунда Департаментни хабардор қилиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги ахборотни, шунингдек, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш маълумотларини ва материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сақланишини таъминлаш;

аудиторлик ташкилоти раҳбариятини тегишли қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ишончли ахборот ва материаллар билан тезкор ва мунтазам равишда таъминлаб бориш;

шубҳали операцияларнинг амалга оширилиши ёки амалга оширишга уринишлар, шубҳали операцияларни амалга оширган мижозлар билан боғлиқ бўлган шахслар (раҳбарлар, таъсисчилар) тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай ахборотни давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро айирбошлаш;

банклардан сўров бўйича терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ шахслар тўғрисида ахборотни аниқлаш.

II. Ички назорат тизимини ташкил этиш

5. Ички назоратни ташкил этиш мақсадида аудиторлик ташкилотларида аудиторлик ташкилоти раҳбари буйруғи билан мазкур Қоидаларга риоя этилишига масъул бўлган шахс (бундан кейинги ўринларда масъул шахс деб юритилади) тайинланади. Буйруқ нусхаси буйруқ қабул қилинган кундан бошлаб беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юборилади.

6. Аудиторлик ташкилотларининг ички назорат тизими уларнинг фаолият кўрсатиш хусусиятлари, фаолиятининг асосий йўналишлари, мижозлар ва уларнинг операциялари билан боғлиқ мижозлар базаси ва таваккалчилик даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

7. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида масъул шахс қўйидаги функцияларни бажаради:

мазкур Қоидаларга мувофиқ ички назорат жараёнини ва мижозларни лозим даражада текширишни жорий этиш ва амалга оширилишини ташкил этади;

аудитор ташкилоти фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ички назоратни амалга ошириш бўйича ички ҳужжатлар ва дастурларни ишлаб чиқади ҳамда раҳбариятга тасдиқлаш учун киритади;

ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган мижозларнинг шубҳали операциялари тўғрисидаги хабарларни аудиторлик ташкилоти раҳбарияти билан келишган ҳолда Департаментга ўз вақтида юборилишини, шунингдек, Департаментнинг қўшимча ахборот тақдим этиш тўғрисидаги сўровларининг бажарилишини таъминлайди;

мазкур Қоидалар ва ички назорат дастурларини амалга ошириш жараёнининг махфийлигини таъминлайди.

8. Масъул шахс қўйидагиларга эга:

ўз ташкилотининг раҳбарлари ва ходимларидан ички назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган ташкилий-бошқарув, бухгалтерлик ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

олинган ҳужжатлардан нусха кўчириш, ички назоратни амалга ошириш мақсадида аудитор ташкилотининг электрон маълумотлар базаларида, маҳаллий ҳисоблаш ва автоматлаштирилган компьютер тизимларида сақланаётган файл ва бошқа ёзувлардан нусхалар олиш;

хабар қилиниши лозим бўлган операциялар бўйича келгусидаги хатти-ҳаракатларга оид (шу жумладан, мижоз ёки операция тўғрисида қўшимча ахборот олиш ёки мавжуд ахборотни текшириш мақсадида ўтказилаётган операцияни тўхтатиб туриш бўйича) таклифларни раҳбариятга киритиш.

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

9. Масъул шахс қўйидагиларга мажбур:

ички назоратни амалга ошириш жараёнида олинган ҳужжатларнинг сақланиши ва қайтарилишини таъминлаш;

мижозларни лозим даражада текширишни амалга ошириш;

бенефициар мулкдорларни идентификациялаш бўйича чораларни амалга ошириш;

шубҳали операциялар аниқланганда, белгиланган тартибда Департаментга хабар бериш;

олинган маълумотнинг махфийлигига риоя қилиш.

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талабларни бажариш.

10. Аудиторлик ташкилотлари масъул шахслар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-санасига қадар бир йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

11. Агар ҳисобот йилида масъул шахс ўзгарган тақдирда, аудиторлик ташкилотлари ўзгариш қабул қилинган санадан кейин 5 кун муддат ичида тегишли ўзгартиришларни тасдиқловчи ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этишлари лозим.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги аудиторлик ташкилотларидаги масъул шахслар тўғрисидаги маълумотларни ҳар йили ҳисобот йилидан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмаган ҳолда Департаментга тақдим этади.

13. Агар ҳисобот йили давомида аудиторлик ташкилотларида масъул шахслар ўзгарса, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги аудиторлик ташкилотидан тегишли ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларни олган кундан бошлаб 5 кун ичида Департаментга қўшимча равишда хабар беради.

III. Мижозларни лозим даражада текшириш

14. Аудиторлик ташкилотлари қўйидаги ҳолатларда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади:

бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича профессионал хизматларни кўрсатиш учун мижозлар билан шартномалар тузишда;

амалга оширилаётган операцияларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида эканлигига ҳар қандай шубҳа мавжуд бўлса;

мижоз ҳақида аввал олинган маълумотларнинг тўғрилигига шубҳа мавжуд бўлса.

15. Мижозларни лозим даражада текшириш бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича профессионал хизматларни кўрсатишнинг барча босқичида амалга оширилиши лозим.

16. Мижозни ёки бенефициар мулкдорни идентификациялаш билан бир қаторда, қонун ҳужжатларига мувофиқ улар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда уларнинг операцияни амалга ошириш учун ваколатини текшириш лозим.

17. Мижоз бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича профессионал хизматларни кўрсатиш учун шартнома тузиш ҳақида бир ёки бир неча марта муурожаат қилганида, аудиторлик ташкилоти қўйидагиларга мажбур:

қонун ҳужжатлари ва мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ операция бўйича мижозни ёки фойда олувчини идентификациялаш;

ушбу мижознинг аввалги ҳисобот даври (ой, чорак, ярим йил, йил) мобайнида амалга оширган операцияларини, агар бундай операциялар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлса, ўрганиб чиқиш;

операция турини ҳамда унинг мижоз — юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида белгиланган фаолият турига ва мақсадига мувофиқлигини аниқлаш;

ўзининг иш ҳужжатларида аниқланган шубҳали операцияларни қайд этиш.

18. Мижозни идентификациялаш пайтида аудиторлик ташкилотлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани, ташкилий-хукукий шакл тўғрисидаги, жойлашган жойи, раҳбарлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, таъсис ҳужжатларида кўрсатилган бошқа маълумотларни ўрганиши лозим.

19. Мижозни янада батафсилроқ ўрганиш мақсадида:

мижознинг таъсис ҳужжатлари (рўйхатдан ўтказилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан) ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг расмийлаштирилишига;

мижознинг бошқарув органларининг тузилиши ва уларнинг ваколатларига;

мижознинг рўйхатдан ўтказилган устав фондининг (капиталининг) миқдорига;

бухгалтерия ҳисобининг регистрлари ва бирламчи ҳисоб ҳужжатларининг расмийлаштирилишига алоҳида эътибор бериши лозим.

20. Аудиторлик ташкилоти мижоз томонидан тақдим этилаётган ахборотни:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан мижоз тўғрисида олинган маълумотлардан фойдаланиш;

мижознинг аввалги аудиторлик ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини ўрганиш;

мижознинг ишчанлик тўғрисидаги маълумотларни йиғиш орқали текшириш ҳуқуқига эга.

21. Мижозни идентификациялаш жараёнида аудиторлик ташкилоти бенефициар мулкдорларни идентификациялаш бўйича, шу жумладан, мижоз мол-мулкининг тузилишини ўрганиш йўли билан асосланган ва зарур чоратадбирлар қўлланиши лозим.

22. Мижоз томонидан идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, аудиторлик ташкилотлари уларга бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича профессионал хизматларни кўрсатишни рад этадилар.

IV. Хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлаш мезонлари ва тартиби

23. Пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция қуйидаги ҳолатларда шубҳали деб топилиши мумкин:

мижоз томонидан зарурат туфайли сўралаётган, шу жумладан, ишонч билдирувчи (агар мижоз ишончли вакил сифатида иш юритаётган бўлса) ҳақидаги маълумотларни тақдим этишни сабабсиз рад этилиши;

одатдаги амалиётдан фарқ қиладиган ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби бўйича расмий бўлмаган, сохта ҳужжатлар ва ностандарт йўриқномалар мавжуд бўлганда;

ҳисобга олинмаган молия-хўжалик операциялар мавжуд бўлганда ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари белгиланган муддатлардан олдин йўқ қилинганда;

мижознинг хизмат кўрсатишнинг фойдалироқ шартларига нисбатан эътиборсиз бўлиши, шунингдек, мижоз томонидан айни турдаги хизматлар кўрсатишдаги оддий тўловдан фарқ қиладиган юқори мукофотнинг таклиф этилиши;

мижознинг операциялари яққол иқтисодий моҳиятга эга бўлмаса, унинг таъсис ҳужжатларида ёки давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномасида келтирилган фаолиятининг мақсадларига тўғри келмаса;

битимга мижоз фаолиятига тўғри келмайдиган қўшимчалар ва ўзгаришлар киритилганда;

мижоз томонидан аввал келишилган операцияга (битимга) бевосита уни амалга оширилишидан олдин кўпроқ, айниқса, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк ҳаракати йўналишига тааллуқли ўзгартиришларнинг киритилиши;

мижоз ҳақидаги маълумотнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, мижоз томонидан кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали у билан алоқа ўрнатиш имконининг йўқлиги;

мижоз томонидан ахборот ва ҳужжатларнинг тақдим этилишининг асоссиз равишда кечиктирилиши ёхуд мижоз томонидан текшириб бўлмайдиган ахборот тақдим этилиши;

мижоз томонидан битим иштирокчилари ҳақида бида туриб ёлғон ахборот ва нотўғри маълумотларнинг тақдим этилиши;

агар мижоз ёки операция иштирокчиларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этмайдиган давлатларда доимий яшайдиган, турадиган ёки рўйхатга олинган бўлса;

қонун ҳужжатлари билан белгиланган назорат жараёнидан қочишга қаратилган деган хулосани чиқаришга асос бўладиган операциялар ёки битимларнинг бир неча бор амалга оширилганлиги аниқланганда;

операцияни амалга оширишда фойдаланилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулклар жиноий йўл билан топилган деган ҳар қандай шубҳанинг мавжуд бўлиши.

24. Операцияни шубҳали деб тан олиш ҳар бир аниқ ҳолатда ушбу Қоидалар ва ички ҳужжатлар билан ўрнатилган шубҳалилик мезонларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган комплекс таҳлил асосида, шунингдек, мижоз шахси, унинг обрўси, амалий иш муносабатларининг хусусияти, битимнинг асослари, мақсадлари, ҳажми ва тури, уни амалга ошириш усули билан ҳамда шубҳали операцияни тўғри аниқлаш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар асосида аниқланадиган таваккалчилик хавфига боғлиқ равишда амалга оширилади.

25. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ ҳар қандай операция, шу операцияларнинг тарафларидан бири:

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, Департаментга хабар қилиниши ва тўхтатиб турилиши керак.

Бундай ҳолларда аудиторлик ташкилотлари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туришга ва ушбу операция ҳақида уни тўхтатиб қўйилган куннинг ўзида Департаментни хабардор қилишга мажбур. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни тўхтатиш ҳақида Департаментнинг кўрсатмаси бўлмаганда, кўрсатилган муддат тугаши билан аудиторлик ташкилоти тўхтатилган операцияни тиклашга киришади.

26. Мижознинг операцияси шубҳали деб топилгандан сўнг, масъул шахс шубҳали операцияни амалга оширишга тайёргарлик кўрилайётганлигини ёки амалга оширилганлигини тасдиқловчи асосланган ҳужжатларни тайёрлайди ва аудиторлик ташкилоти раҳбарига кўриб чиқиш учун тақдим этади, раҳбар мижозга нисбатан келгусидаги хатти-ҳаракатлар ҳақида қарор қабул қилади, жумладан:

шубҳали операция тўғрисида Департаментга хабар бериш ҳақида;

операция шубҳали деб тан олинганлиги тўғрисида мижоз билан бевосита иш олиб бораётган аудиторларга хабар бериш ҳақида;

мижоз тўғрисида қўшимча ахборот олиш ҳақида;

мижоз билан операция ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида;

конун ҳужжатлари ёки у билан тузилган шартномага мувофиқ мижоз билан муносабатларни тугатиш ҳақида;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳаракатлар.

27. Шубҳали операция тўғрисидаги хабар операция шубҳали деб топилган вақтдан бошлаб бир иш кунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ аудиторлик ташкилоти томонидан Департаментга тақдим этилади.

28. Аудиторлик ташкилоти тегишли операцияни тасдиқловчи ёки ундан шубҳани олиб ташловчи ҳар қандай ахборот ҳақида зудлик билан Департаментга хабар бериши лозим.

**V. Ички назоратни амалга ошириш натижасида
олинган ахборот ва ҳужжатларни расмийлаштириш,
сақлаш, махфийлигини таъминлаш**

29. Аудиторлик ташкилотлари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, мижозларни лозим

даражада текшириш бўйича идентификациялаш маълумотларини ва материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган, лекин операциялар амалга оширилганидан ёки мижоз билан муносабатлар тўхтатилганидан кейин беш йилдан кам бўлмаган муддатлар мобайнида сақлашлари шарт.

30. Аудиторлик ташкилотлари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотдан эркин фойдаланишни чеклайдилар, уни тарқалиб кетмаслигини таъминлайдилар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга, уларнинг операциялари ҳақида Департаментга маълумот берилганлиги тўғрисида ахборот беришга ҳақли эмаслар.

31. Аудиторлик ташкилотлари ўз ходимлари томонидан ички назорат бўйича функцияларини бажариш жараёнида олинган ахборотларни бошқаларга ошкор қилмасликларини (ёхуд шахсий мақсадлар ёки учинчи шахслар манфаатлари учун фойдаланишга рухсат берилмаслигини) таъминлайдилар.

VI. Яқуний қоидалар

32. Аудиторлик ташкилотлари томонидан мазкур Қоидалар талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат Молия вазирлиги ҳамда Департамент томонидан амалга оширилади.

33. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолларини яширишда, шунингдек, мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА
ЖИНОЙЎ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**494 Суғурталовчилар ва суғурта воситачилари учун жи-
ноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаш-
тиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш
бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2036*

(2009 йил 13 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида» ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 43-сон, 451-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-331-сонли «Молия-иқтисодий, солиқ соҳа-сидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаш-тиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 18-сон, 147-модда) қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти **қарор қиладилар:**

1. Суғурталовчилар ва суғурта воситачилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 октябрь,
104-сон

**Бош прокуратура ҳузуридаги
Солиқ, валютага оид жиноятларга
ва жиноий даромадларни
легаллаштиришга қарши курашиш
департаменти бошлиғи**

З. ДЎСАНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 октябрь,
41-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Бош прокуратура
ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга
ва жиноий даромадларни легаллаштиришга
қарши курашиш департаментининг 2009 йил
13 октябрдаги 104 ва 41-сонли қарорига
ИЛОВА

**Суғурталовчилар ва суғурта воситачилари учун
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни
легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга
қарши курашиш бўйича ички назорат
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 43-сон, 451-модда) мувофиқ суғурталовчилар ва суғурта воситачилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

бенефициар мулкдор — яқуний ҳолатда мулк ҳуқуқига эгалик қилувчи ёки миждозни ҳақиқатда назорат қилувчи жисмоний шахс ёхуд манфаати кўзланган ҳолда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция амалга оширилаётган юридик шахс;

ички назорат — махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлаш бўйича суғурталовчи ва суғурта воситачисининг фаолияти;

мижоз — суғурталовчи ёки суғурта воситачиси билан тузилаётган шартноманинг томони бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

мижозни идентификациялаш — мижозни лозим даражада текширишни амалга ошириш мақсадида улар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида мижозлар ҳақидаги маълумотларни суғурталовчи ёки суғурта воситачиси томонидан аниқланиши;

мижозни лозим даражада текшириш — мижознинг ва қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текшириш, таъсис ҳужжатлари асосида мулк ва бошқарув тузилишини ўрганиш орқали бенефициар мулкдорни идентификациялаш, шунингдек, мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва операцияларни, уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида, доимий асосда ўрганиш;

ташкилот — фаолияти лицензияланадиган суғурталовчи ёки суғурта воситачиси — Ўзбекистон Республикаси резиденти;

хабар қилиниши лозим бўлган операциялар — ички назоратни ўтказиш давомида ташкилот томонидан шубҳали деб топилган содир этилаётган ва тайёрланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар;

шубҳали операция — тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, мазкур Қоидаларда белгиланган мезонлар ва белгиларга мувофиқ жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида унинг амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция;

махсус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жинойӣ даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти номидан Жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бошқармаси (бундан кейинги ўринларда Департамент деб юритилади).

2. Ички назоратнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга йўналтирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни самарали равишда аниқлаш ва тўхтатиш;

ташкилотнинг қасдан ёки қасдан бўлмаган жинойӣ фаолиятга жалб этилишига йўл қўймаслик;

жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ёки терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ташкилот томонидан қонун ҳужжатлари талабларига, шунингдек, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни тайёрлаш ва амалга оширишда ташкилотнинг ички ҳужжатларига оғишмай риоя қилинишини таъминлаш.

3. Ички назоратнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

қонун ҳужжатлари, мазкур Қоидалар ва ташкилотнинг ички ҳужжатла-

рига мувофиқ мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

бенефициар мулкдорни, шунингдек, операцияни амалга оширишда фойдаланиладиган пул маблағларини ва бошқа мол-мулкнинг келиб чиқиш манбааларини аниқлаш ва ўрганиш;

мазкур Қоидаларнинг 24-банди ва ташкилотнинг ички ҳужжатлари билан белгиланган мезонлар асосида шубҳали операцияларни аниқлаш;

ички назоратни амалга оширишда аниқланган ва хабар қилиниши лозим бўлган шубҳали операциялар ҳақидаги ахборотларни (ҳужжатларни) Департаментга ўз вақтида тақдим этиш;

алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни ушбу операция амалга оширилиши лозим бўлган санадан бошлаб уч иш кунига тўхтатиб туриш ва бундай операция ҳақида у тўхтатилган кунда Департаментни хабардор қилиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги ахборотни, шунингдек, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш маълумотларини ва материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сақланишини таъминлаш;

ташкилот раҳбариятини тегишли қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ишончли ахборот ва материаллар билан тезкор ва мунтазам равишда таъминлаб бориш;

шубҳали операцияларнинг амалга оширилиши ёки амалга оширишга уринишлар, шубҳали операцияларни амалга оширган мижозлар билан боғлиқ бўлган шахслар (раҳбарлар, таъсисчилар) тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай ахборотни давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро айирбошлаш.

II. Ички назорат тизимини ташкил этиш

4. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишни ташкил этиш мақсадида ташкилот раҳбарининг буйруғи билан мазкур Қоидаларга риоя этилишига масъул бўлган шахс (бундан кейинги ўринларда масъул шахс деб юритилди) тайинланади.

5. Ички назорат тизими ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, фаолиятнинг асосий йўналишлари, мижозлар базаси ҳамда мижозлар ва уларнинг операциялари билан боғлиқ таваккалчилик хавфи даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинади.

6. Ташкилот ўз ташкилий тузилмасининг ўзига хос хусусиятларини

ҳисобга олган ҳолда масъул шахс бошчилик қиладиган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича таркибий бўлинмани ташкил қилиши ёки белгилаши мумкин.

Юқорида кўрсатилган бўлинма ташкилотнинг ички ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган мазкур бўлинма тўғрисидаги низом асосида ҳаракат қилади.

7. Масъул шахсга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича таркибий бўлинма ходимларига (бўлинма мавжуд бўлган ҳолда) қуйидаги малага талаблари қўйилади:

а) масъул шахсга — таркибий бўлинма бошлиғига:

олий маълумотлилик ва суғурта соҳасида раҳбарлик лавозимларида 2 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлишлик, олий маълумот мавжуд бўлмаганда эса — уч йилдан кам бўлмаган бундай иш тажрибасига эга бўлишлик;

ташкилот ишининг ўзига хос хусусиятини билишлик;

б) таркибий бўлинма ходимларига:

олий маълумотлилик ва ташкилотда 2 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар лавозимларидаги иш тажрибасидан ташқари) эга бўлишлик, олий маълумот мавжуд бўлмаганда эса — ташкилотда уч йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар лавозимларидаги иш тажрибасидан ташқари) эга бўлишлик;

ташкилот ишининг ўзига хос хусусиятини билишлик.

8. Ташкилот ҳар йили 10 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига (бундан кейинги ўринларда Молия вазирлиги деб юритилади) ташкилотдаги масъул шахсларнинг рўйхатини тақдим этади ва бу рўйхатдаги ўзгаришлар тўғрисида ўз вақтида хабардор этилишини таъминлайди. Молия вазирлиги ҳар йили 20 январга қадар ташкилотлардан олинган рўйхатларни Департаментга беради ва бу рўйхатлардаги ўзгаришлар тўғрисида ўз вақтида хабардор этилишини таъминлайди.

9. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида масъул шахс қуйидаги функцияларни бажаради:

мазкур Қоидаларга мувофиқ ички назорат жараёнини ва мижозларни лозим даражада текширишни жорий этиш ва амалга оширилишини ташкил этади;

ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ички назоратни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқади ва раҳбариятга тасдиқлаш учун киритади;

ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган мижозларнинг шубҳали операциялари тўғрисидаги хабарларни Департаментга ўз вақтида юборилишини, шунингдек, Департаментнинг қўшимча ахборот тақдим этиш тўғрисидаги сўровларининг бажарилишини таъминлайди;

ички назорат қоидаларини ва дастурларини амалга ошириш жараёнининг махфийлигини таъминлайди.

10. Масъул шахс қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ташкилотининг раҳбарлари ва ходимларидан ички назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган ташкилий-бошқарув, бухгалтерлик ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

олинган ҳужжатлардан нусха кўчириш, ички назоратни амалга ошириш мақсадида ташкилотнинг электрон маълумотлар базаларида, маҳаллий ҳисоблаш ва автоматлаштирилган компьютер тизимларида сақланаётган файл ва бошқа ёзувлардан нусхалар олиш;

хабар қилиниши лозим бўлган операциялар бўйича келгусидаги хатти-ҳаракатларга оид (шу жумладан, мижоз ёки операция тўғрисида қўшимча ахборот олиш ёки мавжуд ахборотни текшириш мақсадида ўтказилаётган операцияни тўхтатиб туриш бўйича) таклифларни раҳбариятга киритиш.

Масъул шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

11. Масъул шахс қуйидагиларга мажбур:

ички назоратни амалга ошириш жараёнида олинган ҳужжатларнинг сақланиши ва қайтарилишини таъминлаш;

мижозларни лозим даражада текширишни амалга ошириш;

бенефициар мулкдорларни идентификациялаш бўйича чораларни амалга ошириш;

шубҳали операциялар аниқланганда, белгиланган тартибда Департаментга хабар бериш;

олинган маълумотнинг махфийлигига риоя қилиш.

Масъул шахслар зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

12. Мазкур Қоидаларнинг 9, 10 ва 11-бандларининг талаблари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича таркибий бўлинма (у мавжуд бўлган тақдирда) ходимларига ҳам қўлланилади.

13. Масъул шахсни ўқитиш ва малакасини ошириш Департамент томонидан Молия вазирлиги билан биргаликда ўтказилади.

Ўқитиш қуйидаги йўналишлар бўйича ўтказилади:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан танишиш;

ички назоратни амалга ошириш бўйича амалий машғулотлар;

масъул шахс жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш муаммоларига бағишланган конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбир (шунингдек, халқаро)ларда иштирок этиш (имконият даражасида).

Ўқитиш мунтазам равишда бир йилда камида бир марта ўтказилади.

14. Ташкилотнинг қолган ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш масъул шахс томонидан ўтказилади.

Ўқитиш мансаб вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги йўналишлар бўйича ўтказилади:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан ходимларни таништириш;

ички назоратни амалга ошириш бўйича амалий машғулотлар.

Ташкилот томонидан ички назорат қоидаларини муваффақиятли амалга оширилишининг асосий шарти бу — мазкур жараёнда ҳар бир ходим ўз ваколати доирасида қатнашиши нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ўқитиш ўтказилади.

Ўқитиш мунтазам равишда бир йилда камида бир марта ўтказилади.

15. Ташкилот ҳар йили 1 февралга қадар Молия вазирлигига ўзининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

III. Мижозларни лозим даражада текшириш

16. Ташкилот мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни қуйидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ўрнатишда амалга оширади:

мол-мулкни суғурта қилиш ёки биргаликда суғурта қилиш шартномасини тузишда — мижозни, фойда олувчини, мол-мулкнинг ҳақиқатдаги эгасини, мижоз қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларни ва юридик шахс — мижозни назорат қилувчи мулкдорни ёки шахсни;

зарар етказганлик учун жавобгарликни суғурта қилиш ёки биргаликда суғурта қилиш шартномасини тузишда — мижозни, жавобгарлиги суғурта қилинган шахсни, мижоз қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларни ва юридик шахс — мижозни назорат қилувчи мулкдорни ёки шахсни;

шартнома бўйича жавобгарликни суғурта қилиш ёки биргаликда суғурта қилиш шартномасини, шунингдек, тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш ёки биргаликда суғурта қилиш шартномасини тузишда — мижозни, фойда олувчини, мижознинг контрагентларини, мижоз қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларни ва юридик шахс — мижозни назорат қилувчи мулкдорни ёки шахсни;

шахсий суғурта қилиш ёки биргаликда суғурта қилиш шартномасини тузишда — мижозни, суғурталанган шахсни, фойда олувчини, мижоз қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларни ва юридик шахс — мижозни назорат қилувчи мулкдорни ёки шахсни;

қайта суғурта қилиш шартномасини тузишда — мижозни, мижоз қайси

шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларни ва юридик шахс — мижозни назорат қилувчи мулкдорни ёки шахсни;

суғурта қилиш ёки қайта суғурта қилиш бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишув, агентлик келишуви, ташкилот фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган маблағларни жойлаштириш (қўйиш) тўғрисида шартнома ва бошқа хўжалик ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни тузишда — мижозни, мижоз қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларни ва юридик шахс — мижозни назорат қилувчи мулкдорни ёки шахсни.

Бунда, агар мижоз Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлмаса, унда мижоз ҳудудда жойлашган (рўйхатдан ўтган) давлатнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро ҳамкорликда иштирок этиши ҳақидаги маълумотни аниқлаш лозим бўлади.

Мижозларни лозим даражада текширишни ўтказиш учун қуйидагилар ҳам асос бўлиши мумкин:

амалга оширилаётган операцияларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида эканлигига ҳар қандай шубҳанинг мавжудлиги;

идентификациялаш учун аввал олинган маълумотларни ҳақиқий ва тўғри эканлигига шубҳанинг мавжудлиги.

17. Мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар мижоз томонидан тақдим этилган маълумот ва ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Мижозни текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга имкон берувчи барча ҳужжатлар улар тақдим этилган санага ҳақиқий бўлиши лозим.

18. Мижозларни лозим даражада текшириш операцияларни амалга оширишнинг барча босқичларида олиб борилиши лозим.

Бенефициар мулкдорни аниқлаш учун ташкилот мижоз бошқа шахс номидан ҳаракат қилаётганлигини аниқлашга мажбур ва шундан кейин мижоз қайси шахс номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсни идентификациялаш ва лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши лозим.

Мижоз ёки бенефициар мулкдорни идентификациялаш билан бир қаторда улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этиладиган ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда уларнинг операцияларни амалга оширишга бўлган ваколатлари текширилиши шарт.

19. Мижоз операцияларни амалга ошириш тўғрисида топшириқ (ариза, илтимоснома) билан бир ёки бир неча марта мурожаат қилганида, ташкилот қуйидагиларга мажбур:

қонун ҳужжатлари ва мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ операция бўйича мижозни ёки фойда олувчини идентификациялаш;

ушбу мижознинг аввалги ҳисобот даври (ой, чорак, ярим йил, йил) мобайнида амалга оширган операцияларини, агар бундай операциялар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлса, ўрганиб чиқиш;

операция турини ҳамда унинг миждоз — юридик шахснинг таъсис хужжатларида белгиланган фаолият мақсадларига мувофиқлилик даражасини аниқлаш;

операция турини ҳамда унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи миждоз — жисмоний шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномасида кўрсатилган фаолият мақсади ва турига мувофиқлилик даражасини аниқлаш.

20. Миждоз — жисмоний шахсни идентификациялаш унинг шахсини тасдиқловчи хужжат (паспорт ёки унга тенглаштирилган хужжат) асосида амалга оширилади.

Агар миждоз — жисмоний шахс якка тартибдаги тадбиркор бўлса, унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ҳам ўрганилиши керак.

21. Миждоз — юридик шахсни идентификациялашда ташкилот унинг ташкилий-хуқуқий шакли, номи, раҳбари, банк реквизитлари, жойлашган ери (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами ва фаолият тури тўғрисидаги тегишли маълумотларни текшириши лозим.

22. Ташкилот миждоз томонидан тақдим этилаётган ахборотни:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан миждоз тўғрисида олинган маълумотлардан фойдаланиш;

миждознинг аввалги ташкилот билан ўзаро муносабатларини ўрганиш;

миждознинг ишчанлик тўғрисидаги маълумотларни йиғиш орқали текшириш хуқуқига эга.

Миждозни лозим даражада текширишни амалга ошириш учун зарур бўлган идентификациялаш ва бошқа маълумотлар ташкилот томонидан йилида камида бир марта янгиланиши лозим.

23. Ташкилот идентификациялаш учун зарур бўлган хужжатларни тақдим этмаган миждозларга операцияларни амалга оширишни рад этади.

IV. Шубҳали операцияларни аниқлаш мезонлари ва тартиби

24. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция куйидаги ҳолатларда шубҳали деб топилиши мумкин:

амалиётга асосан сўралаётган маълумотларни миждоз томонидан тақдим этилиши асосиз равишда рад этилса, шу жумладан, ўзининг ишонч билдирувчиси тўғрисида (агар миждоз юридик ёки жисмоний шахснинг вакили сифатида иш олиб борса), шунингдек амалга оширилаётган операциянинг махфийлиги масалалари бўйича миждоз ортиқча ташвишланса;

миждознинг хизмат кўрсатишнинг фойдалироқ шартларига нисбатан этиборсиз бўлиши, шунингдек, миждоз томонидан айна турдаги хизматлар кўрсатишдаги оддий тўловдан фарқ қиладиган юқори мукофотнинг таклиф этилиши;

агарда миждознинг операциялари яққол иқтисодий моҳиятга эга бўлма-

са, мижоз фаолиятининг хусусиятига тўғри келмаса ва таваккалчилик хавфини суғурта қилиш мақсадларига эга бўлмаса;

мижознинг бекор қилинган битим бўйича олиши лозим бўлган суммаларни учинчи шахсларга, шунингдек, норезидент банк ҳисобига қайтаришни таклиф этиши;

мижоз томонидан операцияга (битимга) ташкилот фаолиятининг одатдаги амалиётига тўғри келмайдиган қўшимча ва ўзгартишларнинг киритилиши;

мижоз томонидан аввал келишилган операцияга (битимга) бевосита уни амалга оширилишидан олдин кўпроқ, айниқса, пул маблағлари ҳаракати йўналишига тааллуқли ўзгартиришларнинг киритилиши;

мижоз томонидан операцияни вакил (воситачи) орқали амалга ошириш ҳақида топшириқ берилиши, агар вакил (воситачи) топшириқни ташкилот билан тўғридан-тўғри (шахсий) алоқа ўрнатмасдан амалга ошираётган бўлса;

кўрсатилган боғланиш маълумотлари, хусусан, почта ва электрон манзили, телефон рақамлари ва электрон канал маълумотлари бўйича мижоз билан алоқа ўрнатиш имкониятининг мавжуд эмаслиги;

мижоз контрагентларини аниқлашнинг имкони йўқлиги;

юридик ва жисмоний шахс билан тузилган амалдаги ҳаётни суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти миқдорини мос равишда ошириш билан бирга суғурта пули миқдорини сезиларли даражада (2 баробардан ортиқ) ошириш бўйича мижознинг таклифи;

суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс, фойда олувчининг алмаштирилиши муносабати билан суғурта шартномасига тез-тез ўзгартишларнинг киритилиши;

мижоз томонидан учинчи шахс фойдасига беш йилгача муддатга икки ва ундан ортиқ ҳаётни суғурта қилиш шартномаларининг даврий тузилиши;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этмайдиган давлатлар ҳудудида рўйхатдан ўтган хорижий қайта суғурталовчилар иштирокидаги қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича йилнинг бир чорагида энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 баробарига тенг ёки ундан ошадиган сумма миқдорида ёхуд ушбу миқдорга тенг ёки ундан ошадиган эквивалентдаги хорижий валютадаги суғурта мукофотини бериш билан боғлиқ қайта суғурта қилиш операциялари;

йилнинг бир чорагида энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 баробарига тенг ёки ундан ошадиган сумма миқдоридаги нақд пул маблағларини бир марта ёки қисмларга бўлиб ташкилотнинг кассасига мижоз томонидан топширилиши ҳисобидан умумий суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 баробаридан кам бўлмаган бир неча операцияларнинг бажарилиши;

пул маблағларининг хорижга аноним (рақамли) ҳисобга (жамғармага) ўтказилиши ва пул маблағларининг хориждан аноним (рақамли) ҳисобдан (жамғармадан) келиб тушиши;

мижоз томонидан ихтиёрий суғурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилинишида суғурта мукофотининг қайтарилиши, агар пул маблағлари Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлмаган кредит ташкилоти томонидан ўтказилган бўлса;

битта суғурта қилдирувчига йилнинг бир чорагида энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 баробарига тенг ёки ундан ошадиган сумма миқдорида ёхуд ушбу миқдорга тенг ёки ундан ошадиган эквивалентдаги хорижий валютадаги суммада суғурта қопламалари ёки суғурта пулининг тўланиши;

битта суғурта воситачисига йилнинг бир чорагида энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 баробарига тенг ёки ундан ошадиган сумма миқдорида ёхуд ушбу миқдорга тенг ёки ундан ошадиган эквивалентдаги хорижий валютадаги суммада комиссия тўловларнинг тўланиши;

жинойъ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этмайдиган давлатлар ҳудудида рўйхатдан ўтган хорижий суғурталовчилардан (қайта суғурталовчилардан) қайта суғурта қилиш бўйича комиссиялар ва танъемаларнинг олинishi.

25. Операцияни шубҳали деб тан олиш ҳар бир аниқ ҳолатда ушбу Қоидалар билан ўрнатилган шубҳалилик мезонларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган комплекс таҳлил асосида, шунингдек, мижоз шахси, унинг обрўси, амалий иш муносабатларининг хусусияти, битимнинг асослари, мақсадлари, ҳажми ва тури, уни амалга ошириш усули билан ҳамда шубҳали операцияни тўғри аниқлаш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар асосида аниқланадиган таваккалчилик ҳавфига боғлиқ равишда амалга оширилади.

26. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ ҳар қандай операция, шу операцияларнинг тарафларидан бири:

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, Департаментга хабар қилиниши ва тўхтатиб турилиши керак.

Бундай ҳолларда ташкилотлар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни бу операция бажарилиши лозим бўлган сандан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туришга ва ушбу операция ҳақида уни тўхтатиб қўйилган куннинг ўзида Департаментни хабардор қилишга мажбур. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни тўхтатиш ҳақида Департаментнинг кўрсатмаси бўлмаганда, кўрсатилган

муддат тугаши билан ташкилот тўхтатилган операцияни тиклашга киришади.

27. Мижознинг операцияси шубҳали деб топилгандан сўнг, масъул шахс мижозга нисбатан келгусидаги хатти-ҳаракатлар ҳақида қарор қабул қилади, жумладан:

шубҳали операция тўғрисида Департаментга хабар бериш ҳақида;

мижоз билан операция ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида;

қонун ҳужжатлари ёки у билан тузилган шартномага мувофиқ мижоз билан муносабатларни тўхтатиш ҳақида.

28. Шубҳали операция тўғрисидаги хабар операция шубҳали деб топилган вақтдан бошлаб бир иш кунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ ташкилот томонидан Департаментга тақдим этилади.

29. Ҳар бир шубҳали операция тўғрисидаги маълумот масъул шахс томонидан қоғоз ва электрон кўринишда юритилувчи махсус журналга киригилади.

30. Ташкилот тегишли операциядан шубҳани тасдиқловчи ёки олиб ташловчи ҳар қандай маълумотни Департаментга кечиктирмай топширишлари зарур.

V. Ички назоратни амалга ошириш натижасида олинган ахборот ва ҳужжатларни расмийлаштириш, сақлаш, махфийлигини таъминлаш

31. Департаментга хабар қилиниши лозим бўлган операциялар бўйича қонун ҳужжатларига ва мазкур Қоидаларга мувофиқ қуйидагилар расмийлаштирилади:

операция тури ва уни амалга ошириш асослари;

операцияни амалга ошириш санаси ва суммаси;

операцияни амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахсни идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

операцияни топшириги бўйича ва номидан амалга оширилаётган жисмоний ёки юридик шахсни идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

ушбу шахс номидан операцияни амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахснинг вакилини (ишончли вакилини) идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция бўйича фойда олувчи ва унинг вакилини идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар.

32. Ташкилот пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш маълумотларини ва материалларни қонун

хужжатларида белгиланган, лекин операциялар амалга оширилганидан ёки миждоз билан муносабатлар тўхтатилганидан кейин беш йилдан кам бўлмаган муддатлар мобайнида сақлаши шарт.

33. Ташкилот жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотдан эркин фойдаланишни чеклайдилар, уни тарқалиб кетмаслигини таъминлайдилар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга, уларнинг операциялари ҳақида Департаментга маълумот берилганлиги тўғрисида ахборот беришга ҳақли эмас.

Ташкилот ўз ходимлари томонидан ички назорат бўйича вазифаларни бажариш жараёнида олинган ахборотнинг эълон қилинмаслигини ёхуд шахсий мақсадларда ёки учинчи шахслар манфаатларида фойдаланмаслигини таъминлайди.

VI. Яқуний қоидалар

34. Ташкилот томонидан мазкур Қоидалар талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат Молия вазирлиги томонидан Департамент билан биргаликда амалга оширилади.

35. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолларини яширишда, шунингдек, мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА
ЖИНОЙИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

495 **Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 5 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2037

(2009 йил 15 ноябрдан кучга киради)

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 9-сон, 160-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ–331-сон «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 18-сон, 147-модда) қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузурида Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти **қарор қилади:**

1. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 октябрь,
103-сон

**Бош прокуратура ҳузуридаги
Солик, валютага оид жиноятларга
ва жиноий даромадларни
легаллаштиришга қарши курашиш
департаменти бошлиғи**

З. ДҶСАНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 октябрь,
40-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузу-
ридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва
жиноий даромадларни легаллаштиришга
қарши курашиш департаментининг 2009 йил
13 октябрдаги 103 ва 40-сонли қарорига
ИЛОВА

**Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни
легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга
қарши курашиш бўйича лотереялар ташкил этиш фаолиятини
амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 43-сон, 451-модда) Қонунига мувофиқ лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ички назорат — махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлаш бўйича лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг фаолияти;

ички ҳужжатлар — лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг раҳбарлари томонидан тасдиқланадиган ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгиловчи ҳужжатлар;

лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи таш-

килот (бундан кейинги ўринларда ташкилот деб юритилади) — лотереялар ташкил этиш бўйича фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган, ўйин ташкил этиш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирларнинг бутун комплексини ўтказишни ташкил қилувчи ва маблағ билан таъминловчи юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси резиденти;

мижоз — ўйин қийматини тўлаган, ташкилот билан шартнома тузган ва ўйинда уни ўтказиш шартларига мувофиқ қатнашувчи юридик ёки жисмоний шахс;

мижозни идентификациялаш — ташкилот томонидан мижоз ҳақидаги маълумотларни у томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида аниқлаш;

мижозни лозим даражада текшириш — тегишли ҳужжатлар асосида мижознинг шахси ва ваколатларини текшириш, шунингдек, мижознинг амалий иш муносабатларини доимий равишда ўрганиш;

хабар қилиниши лозим бўлган операциялар — ички назоратни ўтказиш давомида ташкилот томонидан шубҳали деб топилган содир этилаётган ва тайёрланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар;

шубҳали операция — мазкур Қоидаларда белгиланган мезонлардан келиб чиқиб ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида шубҳа туғдирган тайёрлаш жараёнида бўлган, амалга оширишга мўлжалланган ёки амалга оширилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар;

ички назорат тизими — жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишни ташкил этиш ва мазкур Қоидаларга риоя этиш бўйича ташкилот томонидан қўриладиган чора-тадбирлар мажмуи;

махсус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти номидан Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бошқармаси (бундан кейинги ўринларда Департамент деб юритилади).

2. Ички назоратнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга йўналтирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни самарали равишда аниқлаш ва тўхта-тиш;

ташкилотларнинг қасддан ёки қасддан бўлмаган жиноий фаолиятга жалб этилишига йўл қўймаслик;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ёки терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ташкилотлар томони-

дан қонун ҳужжатлари талабларига, шунингдек, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни тайёрлаш ва амалга оширишда ички ҳужжатларга қатъий риоя қилинишини таъминлаш.

3. Ички назоратнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

қонун ҳужжатлари, мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатларга мувофиқ миқозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

мазкур Қоидаларнинг 22-бандида белгиланган мезонлар асосида шубҳали операцияларни аниқлаш;

ички назоратни амалга оширишда аниқланган ва хабар қилиниши лозим бўлган шубҳали операциялар ҳақидаги ахборотларни (ҳужжатларни) Департаментга ўз вақтида тақдим этиш;

алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни ушбу операция амалга оширилиши лозим бўлган санадан бошлаб уч иш кунига тўхтатиб туриш ва бундай операция ҳақида у тўхтатилган кунда Департаментни хабардор қилиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги ахборотни, шунингдек, миқозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш маълумотларини ва материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сақланишини таъминлаш;

ташкilot раҳбариятини тегишли қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ишончли ахборот ва материаллар билан тезкор ва мунтазам равишда таъминлаб бориш;

шубҳали операцияларнинг амалга оширилиши ёки амалга оширишга уринишлар, шубҳали операцияларни амалга оширган миқозлар билан боғлиқ бўлган шахслар (раҳбарлар, таъсисчилар) тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай ахборотни давлат органлари ва бошқа ташкilotлар билан ўзаро айирбошлаш;

сўровномалар бўйича маълумотлар базасидан терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ шахслар тўғрисида ахборотни аниқлаш.

II. Ички назорат тизимини ташкил этиш

4. Ички назоратни ташкил этиш мақсадида ташкilotларда ташкilot раҳбари буйруғи билан мазкур Қоидаларга риоя этилишига масъул бўлган шахс (бундан кейинги ўринларда масъул шахс деб юритилади) тайинланади. Буйруқ нусхаси буйруқ қабул қилинган кундан бошлаб беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юборилади.

5. Ташкilotларининг ички назорат тизими уларнинг фаолият кўрсатиш хусусиятлари, фаолиятининг асосий йўналишлари, миқозлар ва уларнинг

операциялари билан боғлиқ мижозлар базаси ва таваккалчилик даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

6. Ташкилот ўз ташкилий тузилмасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда масъул шахс бошчилик қиладиган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича таркибий бўлинмани (бундан кейинги ўринларда таркибий бўлинма деб юритилади) ташкил қилиши ва белгилаши мумкин.

7. Масъул шахсга ва таркибий бўлинма ходимларига қуйидаги малака талаблари қўйилади:

а) масъул шахсга — таркибий бўлинма бошлиғига:

олий маълумотлилиқ ва раҳбарлик лавозимларида 2 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлишлиқ;

ташкилот ишининг ўзига хос хусусиятини билишлиқ;

б) таркибий бўлинма ходимларига:

олий маълумотлилиқ ва ташкилотда 2 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар лавозимларидаги иш тажрибасидан ташқари) эга бўлишлиқ, олий маълумот мавжуд бўлмаганда эса — ташкилотда уч йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар лавозимларидаги иш тажрибасидан ташқари) эга бўлишлиқ;

ташкилот ишининг ўзига хос хусусиятини билишлиқ.

8. Ташкилотлар масъул шахсларнинг рўйхатларини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-санасига қадар бир йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

Ҳисобот йилида масъул шахслар ўзгарса, ташкилотлар ўзгариш қабул қилинган санадан кейин 5 кун муддат ичида тегишли ўзгартиришларни тасдиқловчи ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этишлари лозим.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги масъул шахсларнинг рўйхатларини ҳар йили ҳисобот йилидан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмаган ҳолда Департаментга тақдим этади.

Агар ҳисобот йили давомида ташкилотларда масъул шахслар ўзгарса, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ташкилотлардан тегишли ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларни олган кундан бошлаб 5 кун ичида Департаментга қўшимча равишда хабар беради.

10. Масъул шахсларни ўқитиш ва малакасини ошириш Департамент томонидан Молия вазирлиги билан биргаликда ўтказилади.

Ўқитиш қуйидаги йўналишлар бўйича ўтказилади:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан танишиш;

ички назоратни амалга ошириш бўйича амалий машғулотлар;

масъул шахсларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш муаммоларига

бағишланган конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбир (шунингдек, халқаро)ларда иштирок этиши (имконият даражасида).

Ички назоратни муваффақиятли амалга оширилишининг асосий шартлари бу — мазкур жараёнда ҳар бир ходим ўз ваколати доирасида қатнашиши нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда ўқитиш ўтказилади.

Ўқитиш мунтазам равишда бир йилда камида бир марта ўтказилади.

11. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида масъул шахс қўйидаги функцияларни бажаради:

мазкур Қоидаларга мувофиқ ички назорат жараёнини ва миқозларни лозим даражада текширишни жорий этиш ва амалга оширилишини ташкил этади;

ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ички назоратни амалга ошириш бўйича ички ҳужжатлар ва дастурларни ишлаб чиқади ҳамда раҳбариятга тасдиқлаш учун киритади;

ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган миқозларнинг шубҳали операциялари тўғрисидаги хабарларни ташкилот раҳбарияти билан келишган ҳолда Департаментга ўз вақтида юборилишини, шунингдек, Департаментнинг қўшимча ахборот тақдим этиш тўғрисидаги сўровларининг бажарилишини таъминлайди;

мазкур Қоидалар ва ички назорат дастурларини амалга ошириш жараёнининг махфийлигини таъминлайди.

12. Масъул шахс қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ташкилотининг раҳбарлари ва ходимларидан ички назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

ички назоратни амалга ошириш мақсадида олинган ҳужжатлардан нусха кўчириш;

хабар қилиниши лозим бўлган операциялар бўйича келгусидаги хатти-ҳаракатларга оид (шу жумладан, миқоз ёки операция тўғрисида қўшимча ахборот олиш ёки мавжуд ахборотни текшириш мақсадида ўтказилаётган операцияни тўхтатиб туриш бўйича) таклифларни раҳбариятга киритиш.

Масъул шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Масъул шахс қўйидагиларга мажбур:

ички назоратни амалга ошириш жараёнида олинган ҳужжатларнинг сақланиши ва қайтарилишини таъминлаш;

миқозларни лозим даражада текширишни амалга ошириш;

шубҳали операциялар аниқланганда, белгиланган тартибда Департаментга хабар бериш;

олинган маълумотнинг махфийлигига риоя қилиш.

Масъул шахс зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

III. Мижозларни лозим даражада текшириш

14. Ташкилотлар қўйидаги ҳолатларда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади:

амалга оширилаётган операцияларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида эканлигига ҳар қандай шубҳа мавжуд бўлса;

мижоз ҳақида аввал олинган маълумотларнинг тўғрилигига шубҳа мавжуд бўлса.

15. Мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар мижоз томонидан тақдим этилган маълумот ва ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Мижозни текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга имкон берувчи барча ҳужжатлар улар тақдим этилган санага ҳақиқий бўлиши лозим.

16. Мижозларни лозим даражада текшириш операцияларни амалга оширишнинг барча босқичларида олиб борилиши лозим.

Мижозни идентификациялаш билан бир қаторда у томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этиладиган ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда унинг операцияларни амалга оширишга бўлган ваколатлари текширилиши шарт.

17. Мижоз бир ёки бир неча марта мурожаат қилганда, ташкилот қўйидагиларга мажбур:

мижозни қонун ҳужжатлари ва мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ идентификациялаш;

ўтган ҳисобот даврида (ой, чорак, ярим йил, йил) мазкур мижознинг илгари лотерея бўйича ютуқларини ўрганиб чиқиш, агар унинг тасарруфида бундай операциялар тўғрисида ахборот мавжуд бўлса.

18. Мижоз — жисмоний шахсни идентификациялаш унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унга тенглаштирилган ҳужжат) асосида амалга оширилади.

Агар мижоз — жисмоний шахс якка тартибдаги тадбиркор бўлса, унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ҳам ўрганилиши керак.

19. Мижоз — юридик шахсни идентификациялашда ташкилот унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, номи, раҳбари, банк реквизитлари, жойлашган ери (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами ва фаолият тури тўғрисидаги тегишли маълумотларни текшириши лозим.

Мижоз — юридик шахсни янада батафсилроқ ўрганиш мақсадида:

мижознинг таъсис ҳужжатлари (рўйхатдан ўтказилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан) ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг расмийлаштирилишига;

мижознинг бошқарув органларининг тузилиши ва уларнинг ваколатларига;

мижознинг рўйхатдан ўтказилган устав фондининг (капиталининг) миқдорига алоҳида эътибор бериши лозим.

20. Ташкилот мижоз томонидан тақдим этилаётган ахборотни:
давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан мижоз тўғрисида олинган маълумотлардан фойдаланиш;
мижознинг аввалги ташкилот билан ўзаро муносабатларини ўрганиш;
мижознинг ишчанлик тўғрисидаги маълумотларни йиғиш орқали текшириш ҳуқуқига эга.
21. Ташкилот идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этмаган мижозларга операцияларни амалга оширишни рад этади.

IV. Хабар берилиши лозим бўлган операцияларни аниқлаш мезонлари ва тартиби

22. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция қуйидаги ҳолатларда шубҳали деб топилиши мумкин:
бир вақтнинг ўзида ташкилот томондан йирик пул ютуқларини (энг кам ойлик иш ҳақининг 1500 бараваридан юқори) икки ёки ундан ортиқ ютуқли билетлар эгаларига тўлашда (беришда);
мижоз ҳақидаги маълумотларнинг тўғрилигига шубҳа мавжуд бўлса;
ютуқни олишда қалбаки лотерея билет тақдим этилаётганлигига шубҳа уйғонса.
23. Операцияни шубҳали деб топиш ҳар бир аниқ ҳолатда ушбу Қоидалар билан ўрнатилган шубҳалилик мезонларидан фойдаланган ҳолда ўтказилган комплекс таҳлил асосида, шунингдек, мижоз шахси, унинг обрўси, амалий иш муносабатларининг хусусияти, битимнинг асослари, мақсадлари, ҳажми ва тури, уни амалга ошириш усули билан ҳамда шубҳали операцияни тўғри аниқлаш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар асосида аниқланадиган таваккалчилик хавфига боғлиқ равишда амалга оширилади.
24. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ ҳар қандай операция, шу операцияларнинг тарафларидан бири:
террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;
террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;
террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, Департаментга хабар қилиниши ва тўхтатиб турилиши керак.
- Бундай ҳолларда ташкилот пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туришга ва ушбу операция ҳақида уни тўхтатиб

қўйилган куннинг ўзида Департаментни хабардор қилишга мажбур. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни тўхтатиш ҳақида Департаментнинг кўрсатмаси бўлмаганда, кўрсатилган муддат тугаши билан ташкилот тўхтатилган операцияни тиклашга киришади.

25. Мижознинг операцияси шубҳали деб топилгандан сўнг, масъул шахс шубҳали операцияни амалга оширишга тайёргарлик кўрилаётганлигини ёки амалга оширилганлигини тасдиқловчи асосланган ҳужжатларни тайёрлайди ва ташкилот раҳбарига кўриб чиқиш учун тақдим этади, раҳбар мижозга нисбатан келгусидаги хатти-ҳаракатлар ҳақида қарор қабул қилади, жумладан:

шубҳали операция тўғрисида Департаментга хабар бериш ҳақида;
мижоз билан операция ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида.

26. Шубҳали операция тўғрисидаги хабар операция шубҳали деб топилган вақтдан бошлаб бир иш кунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ ташкилот томонидан Департаментга тақдим этилади.

27. Ҳар бир шубҳали операция тўғрисидаги маълумот масъул шахс томонидан қоғоз ва электрон кўринишда юритилувчи махсус журналга киритилади.

28. Ташкилотлар тегишли операциядан шубҳани тасдиқловчи ёки олиб ташловчи ҳар қандай маълумотни Департаментга кечиктирмай топширишлари зарур.

V. Ички назоратни амалга ошириш натижасида олинган ахборот ва ҳужжатларни расмийлаштириш, сақлаш, махфийлигини таъминлаш

29. Ташкилотлар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш маълумотларини ва материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган, лекин операциялар амалга оширилганидан ёки мижоз билан муносабатлар тўхтатилганидан кейин беш йилдан кам бўлмаган муддатлар мобайнида сақлашлари шарт.

30. Ташкилотлар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотдан эркин фойдаланишни чеклайдилар, уни тарқалиб кетмаслигини таъминлайдилар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга, уларнинг операциялари ҳақида Департаментга маълумот берилганлиги тўғрисида ахборот беришга ҳақли эмаслар.

Ташкилотлар ўз ходимлари томонидан ички назорат бўйича функцияларини бажариш жараёнида олинган ахборотларни бошқаларга ошкор қилмасликларини (ёхуд шахсий мақсадлар ёки учинчи шахслар манфаатлари учун фойдаланишга рухсат берилмаслигини) таъминлайдилар.

VI. Якуний қоидалар

31. Ташкилотлар томонидан мазкур Қоидалар талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат Молия вазирлиги томонидан Департамент билан биргаликда амалга оширилади.

32. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолларини яширишда, шунингдек, мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2009 йил 31 октябрдан 6 ноябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Илмий ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2009 йил 29 сентябрдаги 12, 97, 60-ҚҚ-сонли қарори.*

2009 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2029 (2009 йил 12 ноябрдан кучга киради).

2. «Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлигининг 2009 йил 13 октябрдаги 34-сонли буйруғи.*

2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2030 (2009 йил 13 ноябрдан кучга киради).

3. «Кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлигининг 2009 йил 13 октябрдаги 35-сонли буйруғи.*

2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2031 (2009 йил 13 ноябрдан кучга киради).

4. «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 17 октябрдаги 29/4-сонли қарори.*

2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-2 (2009 йил 13 ноябрдан кучга киради).

5. «Тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган ҳужжатларнинг сақла-ниш муддатлари рўйхатини қўллаш бўйича кўрсатмага ўзгартиришлар ки-ритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқару-вининг 2009 йил 17 октябрдаги 29/5-сонли қарори.*

2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 951-2 (2009 йил 13 ноябрдан кучга киради).

6. «Ўзбекистон Республикаси банкларидаги депозитлар тўғрисида ни-зомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марка-зий банки Бошқарувининг 2009 йил 17 октябрдаги 29/6-сонли қарори.*

2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 534-1 (2009 йил 13 ноябрдан кучга киради).

7. «Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолият-дан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялашти-ришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғри-сида» *Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жи-ноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 10-8/4270, 33-09-сонли қарори.*

2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2032 (2009 йил 13 ноябрдан кучга киради).

8. «Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризм-ни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валю-тага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 2009-43, 38-сонли қарори.*

2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2033 (2009 йил 13 ноябрдан кучга киради).

9. «Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олин-ган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қар-ши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбе-кистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлигининг 2009 йил 13 октябрдаги 36-сонли буйруғи.*

2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2034 (2009 йил 13 ноябрдан кучга киради).

10. «Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 102, 42-сонли қарори.*

2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2035 (2009 йил 13 ноябрдан кучга киради).

11. «Суғурталовчилар ва суғурта воситачилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 104, 41-сонли қарори.*

2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2036 (2009 йил 13 ноябрдан кучга киради).

12. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 103, 40-сонли қарори.*

2009 йил 5 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2037 (2009 йил 15 ноябрдан кучга киради).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUZ) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг кўйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг